

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИ

ТОШКЕНТ - 2009

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва ўқув юртлари
бош бошқармаси бошлиғи
проф. Ш.Э.Атаханов

ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ФАНИДАН

Фармация факультети 4-курс талабалари учун

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

ТОШКЕНТ - 2009

Тузувчи: доцент, б.ф.н Хидоятова З.Ш.

Такризчилар: Файзуллаева Н.С. – дори турлари технологияси кафедраси доценти

Ашуров А.А. – Ўз Р ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, ДВЭСДМ қошидаги Тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси раҳбари муовини, ф.ф.н.

Маърузалар матни Фармацевтика институти талабалари учун тасдиқланган намунавий дастур асосида тузилган

Марказий услубий кенгаш 2009 йил февраль 6 - сонли қарори билан тасдиқланди.

И. проректор Н.Қ.Олимов

Тошкент фармацевтика институти
Илмий кенгаши

“ ____ ” февраль 2009 йил ____ сонли баён асосида тасдиқланган.

М У Н Д А Р И Ж А

Мавзулар:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ишлари ва фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари.....	5
2. Дорихоналар ишини ташкил қилиш	9
3. Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш ва улар асосида дори воситаларини бериш	18
4. Дорихона шaroитида дори воситаларини тайёрлаш ва сифатини назорат ишларини ташкил қилиш	26
5. Дорихонада ғамламалар бўлими ишини ташкил қилиш. Лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш	33
6. Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси	38
7. Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими	42
8. Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истиқболини аниқлаш.....	50
9. Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш	53

**Мавзу: “Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ишлари ва фармацевтика
хизматини ривожлантириш асослари”**

Режа

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 май 2005 йилдаги № 131-сонли қарори. (“Дори-дармон” давлат акциядорлик уюшмасининг “Дори-дармон” акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида)
2. “ЎзФарм саноат” давлат акциядорлик концерни ва унинг вазифалари.
3. Хусусийлаштириш йилларида Ўзбекистон.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган “Дори-дармон” давлат акциядорлик уюшмаси Дори-дармон акциядорлик компаниясига айлантирилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 май 2005 йилдаги № 131-сонли қарорида таъкидлаб ўтилган. “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сифатли дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳамда ҳаётий муҳим бўлган асосий дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига шу жумладан наркотик ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

- “Дори-дармон” акциядорлик компанияси таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш:

- дори-дармонлар ва фармацевтика препаратлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш.

- амбулатория ва стационар шароитида даволанадиган беморларга тиббий ёрдамни ташкил этиш профилактика ва диагностика тадбирларига узвий равишда юқори сифатли дори воситаларининг ишлатилишига ва улар билан таъминлаш даражасига боғлиқдир. Саноат ва таъминот тизимидан аҳоли ва даволаш - профилактика муассасаларига дори воситаларини етказиб берувчи бўғин сифатида фармацевтика соҳаси хизмат кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика хизмати устидан умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади. Соғлиқини сақлаш соҳасини ҳар

томонлама ривожлантириш Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини ва моддий – техника базасини ривожлантириш, тиббиёт ва фармацевтика кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ва фармацевтиканинг турли соҳаларида илмий ишлар ўтказишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифаларнинг бажариш учун вазирлик қошида, махсус Бош бошқармалар, илмий - тадқиқот институтлари ва бошқа бўлинмалар фаолият кўрсатади. Шу жумладан, дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси тузилиб, унинг таркибида фармакология ва фармакопоя кўмиталари, дори воситаларини стандартлаш ва экспертиза ўтказиш маркази, дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилувчи фармацевтика инспекцияси, дори воситаларини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш лабораторияси фаолият кўрсатади.

Аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, дори дармонлар таъминоти бошқаришини марказлаштириш фармацевтика саноатини барпо этиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 июлдаги 296 –қарори билан “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик концерни тузилди.

Ўзфармсаноат концернининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- дори-дармонларни яратиш ва ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- ҳукуматнинг республика ва маҳаллий органлари билан ҳамкорликда фармацевтика саноати комплексини ривожлантириш бу тармоқ корхоналарни ҳудудий жойлаштиришни такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини ўтказиш;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда юқори самарали дори воситаларини ва уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш соҳасида ягона сиёсатини амалга ошириш;

- доривор препаратларни республиканинг ўзида ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ҳисобига уларнинг импортини камайтириш, хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий, иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш ва кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни изчил амалга ошириш;

концерн ўз вазифаларини бажариш учун унга берилган ваколатларга мувофиқ, қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- концерн таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаолиятини маълум мақсадга йўналтириш;

- тармоқни иқтисодий ижтимоий ривожлантириш, узоқ муддатсиз истиқбол режаларини, корхоналарни ривожлантириш, қайта қуриш ва техника билан қайта жиҳозлаш вазифаларини ҳал қилиш учун инвестиция соҳасида ягона стратегияни амалга ошириш;

-бошқариш жараёнини хўжалик усуллари ва шакллари такомиллаштириш, корхона ҳамда ташкилотларда хўжалик ҳисобини ривожлантириш;

- ишлаб чиқаришнинг оқилона ихтисослашувини ва кооперациялашувини ўтказиш, бозор конъюнктурасини ўрганиш ҳамда унинг асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кўрсатиладиган хизматлар таркибини такомиллаштириш, иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни йўлга қўйиш;

- хом ашё базасини жадал ривожлантириш тиббиёт ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, тармоқлараро экологик дастурларни ҳал қилишда иштирок этиш;

- корхоналар ва ташкилотлар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ҳамда чет эллардан келтирилган дори воситалари сифатини белгилаб берувчи давлат стандартларига риоя қилишни назорат қилиш;

-биринчи марта ишлаб чиқарилган дори препаратларини танлаб назорат қилиш;

-банк-кредит хизматини ташкил этиш, концерн ва унинг таркибига кировчи корхоналарнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш воситаси сифатида даромад олишни таъминлашга қаратиладиган ягона тижорат ва молия сифатини юргизиш;

Хусусийлаштиришнинг бошларида Ўзбекистонда 2552 та давлат дорихоналари мавжуд эди.

1994 йил охирига келиб, 352 та шифохоналараро дорихоналар, 239 та акциядор дорихоналар, 290 та жамоа дорихона муассасалари ва 1059 та хусусий дорихона ташкил топган. 1994 йилдан 2001 йилларгача янгитдан 2622 та хусусий дорихона, 565 та филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

2002 йил 1 январга келиб фармацевтик фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқий шахслар миқдори 3945 тага етди, шу жумладан ишлаб чиқариш корхоналари – 61 та, улгуржи корхоналар – 17 та, дорихоналар – 3712 та, дорихона филиаллари – 1286 тага етди.

Бирлашма очиқ турдаги акциядорлик жамоати тарзида ташкил этилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, акциядорлик туман ва шаҳар марказий дорихоналари, дорихона муассасалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг жисмоний, юридик шахслари унинг қатнашчилари ҳисобланади.

Бирлашма вилоят аҳолисининг дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, ҳамда такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

Бирлашма асосий мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- акциядорлик жамоа дорихона муассасалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш давлат органлари ва бошқа органларда умумий манфаатларни ифодалаш;

- бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш, маркетинг фаолиятини амалга ошириш;

- дори-дармонлар тўғрисидаги ахборотнинг худудий тизимини ташкил этиш;
дори-дармон ва тиббиёт буюмлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- дорихона муассасаларига ва уларнинг фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш;
- аҳолининг дори-дармонга ва тиббиёт муассасаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида пул маблағлари (инвестиция)ни жалб қилиш, дори-дармонлар савдоси таъминоти тизимини такомиллаштириш;
- аҳолини ва даволаш профилактика муассасалари дори-дармонлар билан таъминланишнинг ташкил этилиши ва тартибини, дори-дармонлар сифатини акциядорлик дорихона муассасаларида, жамоа ва хусусий дорихоналарда кадрларни малака оширишини назорат қилиш;
- бирлашма ҳам республикада, ҳам Чет элда юридик шахслар ва фуқаролар билан ўз номидан шартномалар, контракт тузади;
- белгиланган тартибда иқтисодий фаолиятни амалга оширади;
- миллий ва чет эл валютасидаги кредитлардан фойдаланиш;
- уюшмалар концернлар ва бошқа бирлашмаларга киради, хорижий шериклар билан биргаликда ташқи бозорда экспорт ва импорт операцияларини мустақил амалга оширади.
- дорихона муассасалари акцияларини чиқаради, уларни юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тарқатади.

Адабиётлар

1. Юнусхўжаев А.Н. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти 1 китоб. Тошкент 2001 й.
2. Юнусхўжаев А.Н. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти 3 китоб. Тошкент 2003 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 май 2005 йилдаги № 131-сонли қарори. (“Дори-дармон” давлат акциядорлик уюшмасининг “Дори-дармон” акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида).

Мавзу: “ДОРИХОНАЛАР ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ”

Режа

1. Дорихонанинг вазифалари.
2. Хусусий дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
3. Акциядорлик дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
4. Акция, унинг турлари.
5. Жамоа дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
6. Дорихона штати
7. Дорихонадаги бўлимлар
8. Дорихона шахобчалари.

Ўзбекистон Республикасида “Дори воситалари ва Фармацевтик фаолият тўғрисида” ги Қонун 1997 йил 25 апрелда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган, шу Қонунга асосан фармацевтик фаолият билан ўрта маълумотлилар кам шугулланишади, дорихона очиш фақатгина олий маълумотли фармацевтгагина рухсат этилади.

Фармацевтик фаолият — дори воситаларини, тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборот бериш, етказиб бериш ва реализация қилишни қамраб оладиган фаолият ҳисобланади. Бу фаолиятларни амалга ошириш учун

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан алоҳида рухсатнома (лицензия) берилади.

Аҳолини ва ДПМ ларни дори воситалари билан таъминлаш ишларини турли дорихона муассасалари олиб боради. Дорихона муассасаларига дорихоналар, дорихона шахобчалари, тиббиёт техникаси магазинлари, оптика магазинлари, дорихона омборлари, тиббиёт техникаси базалари киради.

Дорихона соғлиқни сақлаш муассасаси ҳисобланиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолини ва ДПМларни, бошқа ташкилотларни дори-дармонлар, тиббиёт техникаси буюмлари, санитария-гигиена буюмлари, беморни парвариши учун ишлатиладиган буюмлар, боғлов материаллари, дезинфекция воситалари ва бошқа буюмлар билан таъминлаш;
- аҳолидан қабул қилинган рецептлар асосида дорилар тайёрлаш, уларни сифатини назорат қилиш;

- рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситаларини (санитария гигиена буюмлари, беморлар парвариши учун ишлатиладиган буюмлар, шифобахш сувлар, дезинфекция воситалари) билан савдо қилиш;
- ўзига бириктирилган ДПМларни дори воситалари, тиббиёт мақсадида ишлатиладиган буюмлар билан таъминлаш;
- шифокор ва бошқа тиббиёт ходимларига дори дармонлар, уларнинг қўлланилиши, уларни ўрнини босувчи дори воситалари тўғрисида ахборот бериш;
- зарурат туғилганда аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

Дорихоналар кўп қаватли биноларнинг биринчи қаватида ёки алоҳида қурилган биноларда жойлашган бўлиши шарт. Дорихоналарда кутиш зали, ассистентлар хонаси, дориларни асептик шароитда тайёрлайдиган хона, қадоклаш хонаси, мол-моддий бойликларни сақлаш хонаси бўлади. Дорихонада юқори самарадорликка эришиш учун меҳнатни илмий асосда ташкил қилишни йўлга қўйиш керак. Шунингдек, санитария режими ва фармацевтик тартиб қоидаларига амал қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иқтисодиётини барқарорлаштириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш бўйича белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун зарур шароитлардан бири аҳолини, шу жумладан дорихона ходимларининг фаол ишчанлигини рағбатлантириш лозимлигини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 мартдаги 132-сонли қарори тасдиқланди.

Шунга асосан ҳозирги кунда дорихоналарнинг учта мулкчилик шакли: хусусий, акциядорлик ва жамоа дорихоналари мавжуд.

Хусусий дорихона фаолиятида кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳамда соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Хусусий дорихона юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансига, банкларда ҳисоб рақамига эга бўлади. Дорихона ўз фаолиятидан кўзланган мақсадларга эришиш учун ўз номидан битимлар олиб бориши, мулкӣ ҳуқуқга эга бўлиши ҳамда ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда, давлат арбитражида ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга. Дорихона ўзига тегишли мулк эгасидир.

Дорихона ўзининг асосий мақсадини рўёбга чиқариш учун фаолиятнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- юқори сифатли дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари, зардоблар, вакциналар, доривор ўсимликлар, тиббиёт техникаси ва оптика буюмлари ва гигиена ашёлари, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ва витаминга бой маҳсулотлар билан таъминлаш;
- уларни ишлаб чиқариш, сотиш шу жумладан бепул рецептлар бўйича аҳолини дори-дармон билан таъминлаш.

1. Дорихоналарни хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, шахсий маблағни жалб қилиш асосида аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари ва тиббиёт ашёларига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида амалга оширилади.
2. Хусусийлаштирилган дорихона фармацевтик фаолият билан шуғулланишга мажбур. Шу билан бирга бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари маън қилмаган фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.
3. Дорихонага, ҳокимиятга давлат ордери берилгандан сўнг у юридик шахс мақомига эга бўлади. У устав фондини ташкил этувчи асосий ва оборот маблағларига, банклардаги ҳисоб рақамига, ўз номи ва бошқа белгилари кўрсатилган муҳр ва штампга эга бўлади.
4. Асосий мақсадни бажаришда дорихона қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади: юқори сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқиш ва тиббий ашёлар, техника асбоблари ва кўзойнақлар, атир упа ва пардозлаш ашёлари, санитария ва гигиена воситалари, болалар овқатлари витаминлаштирилган овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.
5. Дорихоналарда захарли ва гиёҳванд дориларни ишлаб чиқариш, қабул қилиш, сақлаш ва сотиш маън қилинади.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан дорихоналарга қуйидаги фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарафидан ишлатишга рухсат этилган ўз ва хорижий дори воситаларини келтиришга корхона, ташкилот, муассаса, чет эл фирмалари, юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома ва контрактлар тузиш.
7. Дорихонада таъминотчилардан дори воситаларини, тиббиёт ашёларини таъминотчи билан келишилган шартнома нархида қабул қилиб, аҳолига эркин келишилган, белгиланган устама нарх кўйиб (агар шартномада бошқа нарх белгиланмаса) сотади ва хизмат кўрсатади.
8. Савдодаги дори воситаларининг ва тиббиёт ашёларининг сифатига дорихона эгаси жавоб беради.
9. Дорихоналарда тайёрлаб сотиладиган ва тайёр олинган дорилар сифатининг назорати давлат “Дори-дармон” акциядорлик жамиятининг марказий ёки ҳудудий назорат таҳлил лабораториялари тарафидан ўтказилади.
10. Дорихонанинг фойдаси қуйидагилардан ташкил топади: дориларни, бошқа маън этилмаган товарларни сотиш ва хизмат қилишдан; бюджетдаги тиббий ташкилотлардан бепул дори бериш эвазига ўтказилган пул маблағларидир.
11. Тегишли солиқ ва мажбурий тўловлар чегирилгандан сўнг фойдани дорихона ўз ихтиёрига биноан сарфлайди.
12. Дорихона эгаси билан хизматчилар ўртасидаги меҳнат муносабати мавжуд қонунчиликка асосан тузиладиган шартнома ёки битимга асосланади.

13. Дорихона ўз фаолияти юзасидан ҳисоб олиб бориб тегишли ташкилотларга қонунчилик билан белгиланган тартибда бухгалтер ҳисоботини топширади.

14. Дорихона фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келишув шартномада белгиланган тартибда тўхтатилади.

15. Дорихонани тугатиш мавжуд қонунлар асосида амалга оширилади.

Акциядорлик дорихоналари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, ҳамда уларнинг фаолиятини бошқарувчи норматив ҳужжатларига амал қилган ҳолда олиб боради. Дорихоналарнинг ўз меҳнат жамоалари, ҳиссадор, жамоа, оилавий, хусусий дорихоналар акциядорлик дорихоналари иштирокчиси бўлиши мумкин. Акциядорлик дорихоналари ўз ишлаб чиқариш, хўжалик ва савдо фаолиятини тўла хўжалик ҳисоби асосида амалга оширадilar.

Акциядор дорихоналарнинг асосий мақсади аҳолининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори-дармон, ҳамда тиббий мақсаддаги буюмларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдан иборатдир. Акциядорлик дорихоналар шартномада белгиланган бутун муддатда ишлаб чиқариш, хўжалик ва савдо фаолияти йўналишини ўзгартирмаслиги даркор.

Акциядорлик дорихоналарнинг асосий вазифалари: дорихона муассасаларини дори-дармон билан тўла таъминлаш; аҳолини ва Соғлиқни сақлаш муассасаларини тадбиркорликни ривожлантириш асосида дорилар билан таъминлаш даражасини ошириш.

Акциядорлик дорихоналарининг низомий жамғармаси давлат тасарруфидан чиқарилган дорихона мулкининг баҳоланадиган қиймати асосида белгиланади. Уни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси низом таъсис ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади. Таъсис ҳужжатларида ташкил қилинаётган юридик шахс, унинг мақсади ва фаолияти предмети, иштирокчилар таркиби номи ва манзилгоҳи, ҳар бир иштирокчига тегишли ҳисса (пай, акция) миқдори даромадни тақсимлаш ва зиёни қоплаш тартиби, бошқарув тузилмаси, мулк суммаси, уни сотиб олиш тартиби ва муддати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Акциядорлик жамияти ҳиссадорлар реестрини олиб боради, унда акциялар миқдори ва тури, олинган вақти, акциядорнинг фамилияси, исми, отасининг исми олинган акциянинг қиммати номинал бўйича жами қиймати кўрсатилади. Давлатга тегишли акциялар бўйича дивидентлари башарти таъсис ҳужжатларида, дори-дармон республикада дорихоналар бошқармалари учун белгилаб қўйилган ва амал қилиб турган тартибда сотилади.

Акциядорлик дорихоналар ходимлар ёллаш ва ишдан бўшатиш, иш куни тартиби иш сменалилигини меҳнат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ белгилайдилар. Акциядорлик дорихоналар давлат суғурта жамғармасига ҳамда пенсия фондига амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва миқдорда маблағ ажратишга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш ва давлат мулки асосида ташкил этилган акциядор жамиятларни қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги фармонида биноан қимматли қоғозлар муомаласи деганда қимматли қоғозларни тасарруф этувчиларни алмашишга олиб келувчи, уларни олди-сотди ва бошқа харажатлари тушунилади.

Акция – акциядор жамиятни бошқаришда, жамиятнинг фойдасида ва жамият тугатилганда мулк қолдиғини тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акциядор жамиятининг устав капитали (фонди)га қўшилган маблағни тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Акция ҳаракат муддатига эга эмас ва у акциядор жамиятининг фаолияти давомида ҳаракатда бўлади.

Акция акциядорлик дорихона иштирокчиси эканлиги тўғрисида далолат беради ҳамда унинг фойдасидан ҳисса олишга имкон яратади.

Давлат корхоналари асосида ташкил қилинган очик типдаги акциядор жамиятларининг акцияларини рўйхатга олиш ва муомалага чиқариш тартибига биноан ҳужжат сифатида акция қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак: акциядор жамиятнинг номи ва жойлашган жойи, қимматли қоғознинг номи – “акция”, унинг тури (оддий ва имтиёзли), тартиб номери, чиқарилган сана, номинал қиймати, чиқариладиган акцияларнинг миқдори, рўйхатга оладиган орган томонидан берилган акциянинг коди, дивидентларни тўлаш муддати, акциядор жамияти бошқарувининг раиси ва бош бухгалтерининг имзолари, устав капиталининг ҳажми.

Сотиб олинган акциялар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан пул миллий ва хорижий валюталарда, шунингдек асосий воситалар, номоддий ва бошқа активларни қўшиш йўли билан тўланиши мумкин.

Шахсини белгилаш усулига қараб исми ёзилган ва кўрсатувчига берилган акцияларга бўлинади. Исми ёзилган акцияларда мулкдорнинг махсус дафтарида рўйхатга олинади. Бу ўз навбатида кимда қанча ва қандай акциялар борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Кўрсатувчига берилган акцияларда мулкдорнинг исми кўрсатилмайди, натижада жамият ўзининг пайчилари тўғрисида ахборотга эга бўлмайди. Муомала нуктаи назаридан кўрсатувчига берилган акция афзалроқдир.

Акция эгалари берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб акциялар оддий ва имтиёзлига бўлинади.

Оддий (овоз бериш ҳуқуқи билан) акциялар акциядор жамиятини бошқаришда қатнашиш, ҳисобот даври тугаганда акциядорлар мажлиси томонидан аниқланадиган миқдорда дивидент олиш ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ҳуқуқини беради (дивидент бу ҳар бир акцияга тўғри келадиган ва акциядорлар орасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмидир).

Имтиёзли (овоз бериш ҳуқуқисиз) акциялар акциядор жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди, лекин корхона ўз фаолиятини фойда билан якунламаганда ҳам биринчи

навбатда қатъий белгиланган миқдорда дивидент олиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда корхона резерв фондидаги маблағлардан фойдаланади.

Имтиёзли акцияларни чиқариш акциядор жамиятига ўз маблағларини жалб қилиш йўли билан устав капиталини кўпайтириш имкониятини беради.

Жамоа дорихоналари асосан хусусий мулкка айлантирилган дорихоналар бўлиб, ўзини ишлаб чиқариш, хўжалик ва савдо фаолияти билан шуғулланади. Ўз иш фаолиятларини яқка тартибдаги хусусий дорихоналар каби амалга оширади.

Дорихонанинг фаолиятдан кўзланган мақсад куйидагилардан иборат:

- аҳоли ва ДПМларни дори-дармонлар, боғлов воситалар, доривор гиёҳлар ва буюмларни парваришда ишлатиладиган ашёлар, тозалик ва орасталик ашёлари, дезинфекция воситалари ва орайиш пардозлаш (парфюмерия косметика) воситалари билан таъминлаш;
- асосий мақсадларни рўёбга чиқариш учун дорихона фаолиятининг куйидаги турлари амалга оширилади;
- дориларни сотиб олиш ва тайёрлаш қадоқлаш ва сотиш;
- дорихона қошидаги “гиёҳли шарбатлар маскани”да дамламалар, қайнатмалар, гиёҳли шарбатлар ва бошқа дори-дармонлар сотиш;
- таркибида глюкоза ва оксил бўлган моддаларни сотиб олиш ва реализация қилиш;
- бир марта ишлатиладиган шприцлар ва қон қуйиш системалари сотиб олиш ва реализация қилиш;
- дори ишлаб чиқариш учун хом ашё, идиш ва ёрдамчи материалларни юридик ва жисмоний шахслардан нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш;
- аҳолига ва тиббиёт ходимларига дорихонада мавжуд бўлган ва келаётган дори-дармонлар ҳамда уларнинг қўлланилиши ҳақида маълумот бериш ва уларни реклама қилиш.

Дорихонани товарлар билан таъминлаш тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Дорихонада мавжуд бўлган дори воситаларини сақлашда амалдаги санитария қоида ва меъёрларига ҳамда фармацевтик талабларга қатъий риоя қилиниши лозим.

Дорихонани керакли жихозлар ва асбоблар ҳамда дори-дармонлар, санитария гигиена ашёлари, боғлов воситалари ва бошқа тиббиёт буюмлари билан таъминлаш мустақил равишда амалга оширилади.

Дорихона фаолиятини бошқариш олий фармацевтика маълумотига ва етарли мутахассислик малакасига эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

Дорихона штати 2 та гуруҳга бўлинади:

1. Маъмурий бошқарувчи ва хўжалик хизматчилар (мудир-фармацевт, мудир муовинлари, - фармацевт, бош бухгалтер, бухгалтер, ҳисобчи, иқтисодчи, бош кассир, кассир, хўжалик бўлими бошлиғи)

2. Фармацевт ва ёрдамчи ходимлар. (фармацевтлар ва уларнинг ёрдамчилари, фармацевтлар (провизорлар) – бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи муовинлари, фармацевт-ассисентлар, филиал сотувчиси, рецептсиз савдо бўлими бошлиғи, қадоқловчи, санитарка ювувчи, автомобил хайдовчиси.

Дорихона ходимлари сони дорихона иш хажмига қараб белгиланади.

Йирик дорихоналарда 4 та мустақил бўлим ташкил этилади.

1. Рецепттура ишлаб чиқариш бўлими.
2. Тайёр дорилар бўлими.
3. Рецептсиз савдо бўлими.
4. Ғамламалар бўлими

бу бўлимлардан ташқари яна бир қатор бўлимлар ташкил этилиши мумкин: фитобар, оптика, тижорат ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 576-сонли буйруғига асосан, қишлоқ аҳолисини, айниқса тоғли ўлка – худудида жойлашган қишлоқдагиларни дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктида дорихона шахобчаларини очиш мақсадга мувофиқдир.

Дорихона шахобчасининг асосий вазифаси аҳолига тайёр дори воситалари, санитария – гигиена ва беморлар парваришида қўлланиладиган буюмлар, доривор гиёҳлар, боғлов материаллари ва бошқа тиббиёт буюмларини сотишдан иборатдир.

Қишлоқ врачлик пунктидаги дорихона шахобчаси фармацевтик фаолият юритиш учун лицензия берувчи ваколатли орган ва тармоқни дори воситалари билан таъминловчи дорихона ўртасида тузиладиган лицензия шартномаси асосида ташкил қилинади.

Қишлоқ врачлик пунктидаги дорихона шахобчалари ташкил қилиниши ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига юклатилади.

Дорихона шахобчасининг ташкил қилиниши ва унинг иш тартиби қуйидагилар билан белгиланади:

- дорихона шахобчаси учун (бошқа ёрдамчи хоналар қишлоқ врачлик пунктининг таркибида борлигини ҳисобга олган ҳолда) 2-3 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктларида майдон 6 кв. метрдан 4-5 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктида майдони 8 кв метрдан кам бўлмаган тайёр дори воситаларини сотиш хонаси ажратилади.
- дорихона шахобчаси ўз фаолиятини юритиш учун керакли жихозлар (шкаф, витрина, стеллаж, музлатгич, стол, стул ва ҳ.к.) билан жихозланиши ҳамда тегишли қўлланма ва буйруқлар билан таъминланиши лозим;

- дорихона шахобчасининг мудири лавозимига қишлоқ врачлик пункти ходимлари таркибидаги ўрта тиббиёт маълумотли шахс (ўриндошлик асосида) ёки шахобчани таъминловчи хўжалик ҳисобидаги дорихона ходими тайинланиши мумкин;
- дорихона шахобчасининг мудири ҳудудий соғлиқни сақлашнинг бўлими ҳамда дорихона шахобчасининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминловчи хўжалик ҳисобидаги дорихона ўртасидаги келишувга мувофиқ буйруқ асосида тайинланади;
- дорихона шахобчасининг мудири қишлоқ врачлик пункти ходимларидан тайинланса, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг кафолат хатига биноан дорихона шахобчасининг мудири ва таъминловчи дорихона мудири ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилади. Бу ҳолда дорихона шахобчасини тайёр дори воситалари, боғлов материаллари ва бошқа тиббиёт буюмлари билан дорихона томонидан таъминланиши туман соғлиқни сақлаш бўлими билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади;
- дорихона шахобчасининг мудири унга берилган барча товар – моддий бойликларга тўлиқ моддий жавобгар ҳисобланади, ҳамда, белгиланган тартибда ва муддатда дорихонага ойлик топширади.

Дорихона шахобчаси ўзининг асосий вазифаларини бажаришда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- аҳолига сифати кафолатланган ва Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган қоидаларга риоя қилиш.

Адабиётлар

1. Йўлдошева Д.З. ва бошқалар Янги мулкчилик шаклига ўтган дорихоналар фаолиятини такомиллаштириш хусусида. //Кимё ва фармация. 1995 йил, №5, 42-44 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 март 1994 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги 132-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27-декабр 2002 йил 576-сонли “Қишлоқ врачлик пунктида дорихона шахобчасини ташкил қилиш тўғрисида”ги буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти I китоб. Тошкент-2001. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1997 йил. 25 апрель 5-13 бетлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 17 сентябрдаги “Шифохоналар, клиникалар ва диспансерлар ҳудудида хусусий дорихоналар фаолиятини тақққлаш тўғрисидаги” 412 сонли буйруғи.
6. Санитарные правила и нормы устройства аптек и их филиалов по реализации готовых лекарственных средств и изделий медицинского назначения СанПиН № 0243-07, Ташкент 2008г.

**Мавзу: “Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш ва улар асосида
дори воситаларини бериш”.**

Режа

1. Рецепттура ишлаб чиқариш бўлимининг асосий вазифалари.
2. Фармацевт – технолог иш жойини жиҳозлаш.
3. Фармацевт – технологнинг вазифалари.
4. Рецепт ва унинг бланкалари.
5. Рецепт ёзишда тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар.
6. Рецептни таксировка ва экспертиза қилиш.
7. Сигнатура ҳақида тушунча.
8. Рецептларнинг ўз таъсир кучини сақлаш муддатлари.
9. Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари психотроп моддалар, прекурсорлар тўғрисидаги низом.
10. Дорихонада олиб қолинадиган рецептларнинг сақланиш муддатлари.

Рецептура ишлаб чиқариш бўлимининг асосий вазифалари:

- ДПМ (даволаш-профилактика муассасаси)дан келган талабномалар ва аҳолидан келган индивидуал рецептларни қабул қилиш;
- ДПМдан келган талабномалар ва аҳолидан келган рецептлар асосида дори воситаларини тайёрлаш;
- тайёрланган дори воситалари сифатини назорат қилиш;
- ДПМ талабномалари ва аҳолидан келган рецептлар асосида тайёрланган дори воситаларини расмийлаштириш ва беморларга бериш.

Рецептура ишлаб чиқариш бўлимининг энг масъулиятли ишларидан бир рецептларни тўғри қабул қилиб олишдир. Шунга кўра рецепт қабул қилаётган фармацевт – технолог рецептнинг тиббиёт ходимлари томонидан тўғри расмийлаштирилганлигига яъни, рецепт ёзиш қоидаларидаги барча зарурий маълумотларни келтирилганига, ёзилган дори воситаларининг дозалари, ўзаро мос келиши ва беморнинг ёшига бутун диққатини жалб этиши шарт.

Рецепт қабул қилувчи фармацевт – технолог хонасида тумбали стол, шкаф, тайёр дорилар учун вертушка, таркибида “А” рўйхатдаги дорилар учун шкаф, совутгичлар бўлади. Рецепт қабул қилувчи фармацевт – технолог столида ҳисоблаш машинаси, муҳрлар тўплами хужжатлар, прейскурант, давлат фармакопеясининг энг сўнгги нашри, 1 мартали ва суткали дозалар жадвали, моддаларнинг эрувчанлик жадвали, дори воситаларининг номутаносиблик жадвали, буйруқлар, дори воситаларини синонимлари рўйхати, нотўғри ёзилган рецептларни қайд қилиш журнали бўлади.

Ҳар бир предметни доимий турадиган жойи бўлиши, тез-тез ишлатиладиган предметлар қўл остида жойлашган бўлиши керак.

Рецепт қабул қилувчи фармацевт – технологнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- рецептларни, талабномаларни қабул қилиш;
- рецептлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;
- рецепт ингредиентларининг мутаносиблигини текшириш;
- бемор ёшига аҳамият бериш;
- ёзилган дозаларни текшириш;
- дори воситаси нархини аниқлаш;
- тегишли хужжатларни расмийлаштириш;
- келган рецептларни ҳисобини олиб, тайёрлаш учун ассистентлар хонасига бериш;
- рецептларни врачлар томонидан тўғри ёзилганлигини текшириш;
- ДПМ раҳбарлари билан боғланиб туриш;
- дорихонага келган рецептларда дорихонада мавжуд бўлмаган дори воситаларини қайд қилиб бориш ва дорихона мудирини ёки муовинларига шу ҳақида ахборот бериш.

Фармацевт – технолог қабул қилган рецептларнинг ҳисобини “Рецептура дафтарчаси” ёки “Квитанция дафтарчаси”да олиб боради.

Квитанция дафтарчаси уч қисмидан иборат бўлади.

Биринчи қисми ёки корешок бу дори воситасини ҳисобга олиш учун асос бўлиб, шу ерда тартиб номери дори воситасининг шакли, қиймати беморнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади. Бу қисм дорихонада қолади.

Иккинчи қисмида эса беморни фамилияси, исми-шарифи, дори воситасининг шакли, қиймати, рецепт номеридан ташқари дори воситасининг тайёр бўладиган вақти кўрсатиб, беморнинг қўлига тутқазилади.

Рецептда захарли, наркотик, этил спирти ёзилган бўлса дори воситасини тайёрловчи фармацевт эътибор бериши учун тагига қизил қалам билан чизиб қўйиш керак.

Врач томонидан захарли, наркотик ва кучли таъсир этувчи моддаларнинг дозаси ошириб ёзилган бўлса, 1 марталик юқори дозанинг ярим миқдорида тайёрлаб берилади.

Рецепт бу шифокорнинг фармацевтга ёзма мурожаатидир. Рецептлар беморларнинг ёшини, дори воситалари учун ҳақ тўлаш тартибини ва унда ёзилган дори воситалари таркибидаги моддалар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 июн 2002 йилда чиққан 297-сонли буйруғига асосан рецепт бланкалари 3 хил бўлади:

1. Болалар ва катталар учун тўлиқ нархдаги дори воситасини олиш учун ёзиладиган 1-шакл.
 2. Бепул дори воситалари ва гангитувчи хусусиятига эга бўлган дори воситалари учун ёзиладиган 2-шакл.
 3. Пушти рангли фақат наркотик дори воситалари ёзиш учун тавсия этиладиган 3-шакл.
- рецепт бланкаси қуйидаги реквизитларга эга бўлиши шарт:

- Даволаш-профилактика муассасаси коди босмахона усули билан босилади ёки штамп қўйилади;
- якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шифокорларнинг рецептларини тепа қисмининг ўнг томонига босмахона усули билан уларнинг манзили, лицензиясининг тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати ва лицензия берган ташкилотнинг номи босилади ёки штамп қўйилади;
- рецептда дори воситасининг номи лотин тилида, аниқ, равшан қилиб, сиёҳда ёки шарикли ручка билан ёзилади, тузатишлар киритиш тақиқланади;
- битта рецептура бланкида иккитадан ортиқ бўлмаган оддий дори воситалари ёзилади;
- этил спирти таркибида заҳарли моддалар ҳамда миқдорий ҳисобда турувчи психотроп дори воситалари ва прекурсорлар бўлган дори-дармонлар алоҳида рецепт бланкасида ёзилади ва рецепт бланкаси қўшимча даволаш-профилактика муассасасининг “рецептлар учун” муҳри билан тасдиқланади;
- белгиларни фақат қоидаларда белгиланганганидек қисқартириб ёзишга рухсат берилади холос;
- қаттиқ ва сочиловчи моддалар – граммлар (0,001; 0,5; 1,0) суюқликлари – миллилитр, грамм ва томчилар ҳисобида кўрсатилади;
- “ичилади”, “ишлатилиши маълум” ва ҳоказо деган умумий кўрсатмалар билан чекланиш тақиқланади;
- беморларнинг фамилияси, исми-шарифи, ёши, шифокорнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади;
- шифокорнинг имзоси унинг шахсий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- “каттага”, “болага” деб кўрсатилган белгилардан кераксизлиги ўчирилади.

Биринчи шаклдаги рецепт бланкасига қуйидаги дори воситалари ёзилади:

- заҳарли дори воситалари ва уларнинг препаратлари;
- ухлатувчи дори воситалари;
- нейрорептик, антидепрессив препаратлар;
- стероид гормонлар;
- транквилизаторлар;
- астмага қарши воситалар;
- 8-оксихинолин ҳосилалари;
- заманиха настойкаси;
- этил спирти сақлаган дори воситалари;
- кучли таъсир этувчи моддалар;

- антибиотиклар
- сульфаниламид препаратлар.

Иккинчи шаклдаги рецепт бланкасига гангитувчи хусусиятга эга бўлган дори воситаларидан ташқари қуйида берилган касалликлар билан оғриган беморлар ва шахслар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 декабр 1997 йилда тасдиқланган 532-сонли қарорига асосан)га бепул бериладиган дори воситалари ёзилади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларига имтиёзли асосда рецепт ёзиб бериш ва рецепт бланкаларини расмийлаштириш тартиби:

Даволовчи врач қуйидаги мутахассис врачларнинг тавсияси асосида амалга оширади:

Онкологик препаратлар – онколог ёки гематолог;

Диабетга қарши препаратлар ва эндокрин тизимига таъсир кўрсатувчи бошқа дори воситалари – эндокринолог;

Психотроп препаратлар – психиатр.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарорига мувофиқ беморлар стационар шароитида даволанаётган даврида, стационар ҳамда поликлиника врачлари томонидан имтиёзли рецептларни беришга рухсат этилмайди.

Имтиёзли тоифага эга беморларга наркотик дори воситалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 28 ноябридаги 527-сон Адлия вазирлигида 2001 йил 29 декабрда 1090-сон билан қайд этилган буйруғига асосан ёзилиб берилади.

Имтиёзли рецептларнинг таъсир қилиш муддати – 1 ой, гиёҳванд дори воситалари бундан мустасно.

Дори воситалари ва тиббий буюмларга ёзиладиган имтиёзли рецептлар битта нусхада ёзилади.

Дорихона томонидан имтиёз асосида бериладиган дори воситалари тўлови ДПМ лар томонидан икки нусхада расмийлаштирилган реестр асосида амалга оширилади. (ЎзРССВ нинг 2007-йил 22 ноябрдаги 519-сонли буйруғи).

Учинчи шаклдаги рецепт бланкасига фақат наркотик дори воситаларини ёзиш тавсия этилган.

Рецепт ёзишда тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатоликларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. рецепт таркибидаги моддаларнинг номини ёзишдаги хатолик (лотин тилида, қисқартиришлар, тушунарсиз ёзувлар).
2. дозасидаги хатоликлар (дозаларнинг ноаниқлиги, фоиз кўрсаткичини тушунарсиз ёзилгани).
3. тавсия қилишдаги хатолик (нотўғри тавсия қилинган)
4. расмийлаштиришдаги хатолик (нотўғри расмийлаштирилган).

бундай рецептларга “рецепт ўз кучини йўқотган” деб муҳр босилади ва махсус журналда қайд қилинади.

Рецептни таксировка қилиш – бу рецепт таркибидаги ингредиентларнинг ҳар бири нарҳини ҳисоблаш ҳамда қуйидаги жадвалга мувофиқ равишда ҳақ олиш демакдир.

Рецептни экспертиза қилиш – бу рецептни қабул қилаётганда текшириш, дозасига аҳамият бериш, тайёрлаш, сақлаш ва бошқа жараёнларни ҳар томонлама назорат қилиш.

Таркибида заҳарли, наркотик моддалар ва этил спирти бўлган экстемпорал усулда тайёрланган дори воситалари беришда беморларга рецепт ўрнига юқори қисмида сариқ йўли ва унда қора шрифтдаги “сигнатура” деган ёзуви бўлган қоғоз берилади.

Дорихонада рецептлар ўз таъсир кучини сақлаш муддатига эга бўлади.

Наркотик дори воситалари ёзилган рецептлар 10 кун давомида ўз кучини сақлайди.

Заҳарли дори воситалари сақлаган рецептлар ҳам 10 кун.

Қолганлари эса 1 ойгача ўз кучини сақлайди.

Тайёр ва яқка тартибда тайёрланадиган дори воситаларига ёзилган рецептлар сурункали касаллик билан оғриган беморлар учун бир йил мобайнида ўз кучини сақлаш муддатига эга, қуйидагилар бундан мустасно:

- микдорий ҳисобда турувчи дори воситалари;
- анаболик активликка эга бўлган дори воситалари;
- бепул рецепт билан бериладиган дори воситалари;
- яқка тартибда тайёрланадиган спирт сақловчи дори воситалари (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 июн 2002 йил 297-сонли буйруғига биноан 2.13. пункт).

Баъзи наркотик, ухлатувчи ва психотроп дори воситаларини 1 дона рецептга бериладиган меъёри белгиланган, уларни қуйидаги ёзилган микдордан оширишга рухсат этилмайди.

№	Дори препаратларининг номи	Меъёри
1.	алнагон	20 табл.
2.	кодеин	0,2 г
3.	барабамил (порошокда)	2,0 г
4.	бупренорфин табл. 0,2 мг	20 табл.
5.	бупренорфин ампулада 0,3 мг	20 амп.
6.	бупренорфин ампулада 0,5 мг	10 амп.
7.	кодтермопс, кодтерпин	20 табл.
8.	кокаин гидрохлорид	0,1 г
9.	морфин гидрохлорид, морфилонг	0,1 г
10.	омнопон	0,1 г
11.	промедол	0,25 г
12.	пахикарпин гидройодид	1,2 г
13.	ухлатувчи препаратлар	10-12 табл.

14.	фепранон 0,0025	50 драже
15.	этаминал натрий	1,0 г
16.	эстоцин табл.	12 табл.
17.	этилморфина гидрохлорид (дионин)	0,2 г
18.	эфедрин гидрохлорид	0,6 г
19.	пентазоцин (фортрал) 30 ва 50 мгн	10 табл.
20.	пентазоцин (фортрал) 3% 1 мг	10 амп.

Дорихонада ва ДПМ ларда миқдорий ҳисобда турувчи захарли моддалар рўйхати:

1. Атропин сульфат
2. Мышьяк ангридрид
3. Натрий арсенат кристаллари
4. Симоб дийодид
5. Симоб оксицианид
6. Симоб цианид
7. Кумуш нитрат (ляпис)
8. Стрихнин нитрат
9. Дикаин

Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар.

Психотроп моддалар-психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Прекурсорлар-прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

Гиёҳвандлик (наркотик) ва захарли дори воситаларини ёзиб боришнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. Гиёҳвандлик (наркотик) дори воситаси ёзилган махсус пушти рангдаги рецепт босма қоғозида даволаш профилактика муассасасининг тўртбурчак муҳри, думалоқ муҳр, врачнинг имзоси ва шахсий муҳри бўлиши шарт. Битта пушти рецепт босма қоғозига фақат битта наркотик воситаси ёзилиши мумкин. Амбулатор равишда даволанadиган беморлар учун наркозда ишлатиладиган препаратларни рецепт босма қоғозда ёзиш қатъян ман этилади. Ўрта маълумотли тиббиёт ходими наркотик воситаларига рецепт ёзиш ҳуқуқидан маҳрум.

Психотроп моддалар учун ёзиладиган рецептура бланкаларида даволаш муассасасининг муҳри ва штампи, тиббиёт ходимининг шахсий муҳри ва имзоси бўлиши шарт.

Битта рецептура бланкасига фақат битта психотроп модда ёзиш рухсат этилади. Дори воситалари учун рецепт ёзишда уларнинг таркибига кирган психотроп, захарли модда рецептнинг бошида қолган ингредиентлар эса ундан кейин ёзилиши шарт. Психотроп моддалар сақлаган рецептлар дорихонада 1 ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Дорихоналарда прекурсорлар уларнинг кимёвий-физикавий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда сақланиши шарт. Уларга қуйидагилар киради: сирка кислотасининг ангидриди, ацетон, этил эфири, сульфат ва хлорид кислоталари, толуол. дорихоналарда улар метал шкафларда сақланиши шарт.

Дорихоналарда рецептсиз ҳолда қуйидаги прекурсорлар маълум миқдорда берилади: калий перманганат 5 граммгача, хлорид кислотасининг 1-6 % ли эритмаси 250 мл. гача берилиши рухсат этилган.

Тиббиётда ва илмий мақсадларда ишлатиладиган гиёҳвандлик (наркотик) дори воситаларининг ишлатиш меъёрлари (1000 та аҳоли учун граммларда).

1.	морфин гидрохлорид	- 0,3
2.	промедол	- 5,0
3.	омнопон	- 0,3
4.	кокаин	- 0,2
5.	эстоцин гидрохлорид	- 0,3
6.	кодеин	- 70,3
7.	опий	- 833,3
8.	фентанил	- 0,006

Дорихонада олиб қолинадиган рецептларнинг сақланиш муддати белгиланган. Бепул тарзда берилган дорилар учун ёзилган рецептлар дорихонада 3 йил, наркотик дорилар учун ёзилган махсус пушти рангдаги рецепт босма қоғози 5 йил, заҳарли ҳамда этил спирти сақловчи, бангидевона таъсирига эга бўлган препаратлар, анабалик дори воситалари учун ёзилган рецептлар бир йил давомида, бошқа рецептлар бир ой муддатида сақланади.

Республиканинг барча дорихона муассасаларида бўлиши мажбурий бўлган, чекланган чакана нархларда сотиладиган дори – дармонлар рўйхати

1. Аспирин	11. Валериан суюқлиги
2. Анальгин	12. Нитроглицерин
3. Борли суртки	13. Йод суюқлиги
4. Ҳар хил бинтлар	14. Инъекциялар учун новокаин
5. Тиббий пахта	15. Папаверин
6. Валидол	16. Аммиак эритмаси
7. Горчичник	17. Кўк дори
8. Димедрол	18. Сенадексин
9. Дибазол	19. Эуфиллин
10. Левомецетин	20. Феррамид

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 26 июндаги 297-сонли буйруғи. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти III китоб Тошкент 2003. б. 79-121.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 22 ноябрдаги 519-сонли “Имтиёзга эга шахсларни амбулатория шароитида даволашда шифокор рецепти бўйича дорихоналардан бепул бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги” буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 май 2002 йилдаги 188 – сонли қарори.
4. Приказ МЗ РУз №527 от 28 ноября 2001 года “Об утверждении положения об условиях хранения, отпуска, реализация, распределения, учета наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров”.
5. Организация и экономика фармации 2-е издание. Под. ред. И.В. Косовой. Москва 2004. с. 172-176.
6. Комилов А.М. Социал фармация фанидан маърузалар матни. тошкент 2000й. 120 б.
7. Тошмухамедов Э.Р. ва бошқалар. “Фармация ишини ташкил қилиш ва унинг иқтисодиёти бўйича амалий машғулот”. Бухоро 1992 й. 10-21 б.
8. Юсупов М.А, Комилов В.М, Хидоятова З.Ш., Эрматов Ш.Х. “Фармация ишини ташкил қилиш ва унинг иқтисодиёти”. Тошкент 2004 й. 55-59 б.
9. Приказ МЗ РУз от 17 июня 1996 года за №489. О порядке хранения, учета прописывания, отпуска, применения и усиления контроля использования ядовитых, наркотических и психотропных средств.
10. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи бўйича меъёрий ҳужжатлар. Тошкент 2002. 15-21 б.

Мавзу: “ Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш ва сифатини назорат ишларини ташкил қилиш ”.

Режа

1. Дорихонанинг асосий вазифалари.
2. Дорихоналардаги хоналар.
3. Дорихоналардаги 2,4,6,8 иш жойига эга бўлган ассистентлар столлари.
4. Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар.
5. Сан-Пин ҳақида тушунча.
6. Асептик блок, асептик хона ва асептик столлари.
7. Дори воситаларининг ташқи беағи.
8. Дорихонада назорат - аналитик хоналари ҳамда столларни тартиби ва ускуналари.
9. Дорихонада дорилар сифатини назорат қилишни ташкил қилиш.
10. Дорихонада тайёрланган дориларнинг сифатини баҳолашнинг ҳисобини олиб боровчи ҳужжатлар.

Бозор иқтисодиёти сиёсати олиб борилаётган бир даврда дорихоналарнинг деярли ҳаммаси хусусийлаштирилаётган шароитда уларнинг гигиеник ҳолатига эътибор беришни замоннинг ўзи тақозо этади.

Маълумки, дорихоналарнинг асосий вазифалари - дориларни сифатли тайёрлаш; -аҳолини, даволаш профилактика муассасаларини, поликлиника ва амбулаторияларни дори воситалари билан таъминлаш, аҳолини кундалик дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш. Аҳолини ва турли даволаш профилактика муассасаларини сифатли дори воситалари билан таъминлаш кўп жиҳатдан дори воситани тайёрлайдиган шахсларнинг санитария нуқтаи назардан уларнинг савиясига, махсус тартиб қоида ва қонунлар тўла-тўқис бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Дорихоналарнинг қурилишини ташкил этишда одатда уч гуруҳ хоналар бўлади:

1. ишлаб чиқариш хоналари:

дори харид қилиш учун келадиган шахсларни кутиш хонаси (савдо зали), рецептларни қабул қилиш бўлими, дори воситаларни тайёрлаш — ассистентлар хонаси, дори воситаси тайёрлайдиган идишларни ювиш хонаси, дори воситаларини сақлаш хоналари, стериллаш хонаси, фармацевт-аналитик хонаси, дориларни қадоқлаш хоналари.

2. Хизмат қилиш ва хўжалик ишлари учун хоналар, дорихона мудирининг хонаси, ходимларнинг кийим кийиш ва ечиниш хоналари, хожатхона ва ҳ.к.

3. Ёрдамчи хўжаликка оид хоналар – шиша идишлар сақланадиган хона, таралар, ёқилғи, ҳидли дори воситалари учун, дезинфекция моддалари учун хоналар, гараж ва бошқа хоналар.

Дорихона муассасаларининг бозор иқтисодиёти шароитида санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ишлашга ўтиш, билимдон мутахассисларни тайёрлаш, аҳолини ва ДПМларни сифатли дори дармонлар билан таъминлашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш каби муаммолари мавжуд.

Дорихоналарда 2,4,6,8 иш жойига эга бўлган ассистентлар столларидан фойдаланилади. Бу столларда суюқ дори воситаларини, порошокларни, суртмаларини тайёрлаш, назорат ўтказиш учун, кадоқлаш ишларини бажариш учун алоҳида иш жойлари бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2004 йил 30 июндаги 304-сонли “Дорихона муассасаларининг моддий-техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларга бўлган талаблар. Асосий ҳолатлар. Тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи чиқди.

Ушбу тармоқ стандарти “Дори дармон давлат акциядорлик уюшмаси. Дори воситалари тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, Тошкент фармацевтика институти томонидан ишлаб чиқарилган.

Ушбу стандарт мулкчилик шаклидан қатъий назар чакана, улгуржи савдо билан шуғулланувчи барча дорихоналар учун мажбурийдир.

Ушбу стандарт шифохона дорихоналари учун тарқатилмайди. стандартда кириш, термин ва атамалар, умумий ҳолатлар дорихона муассасаларининг хоналари ва уларнинг жиҳозланиши, дори воситалари қабул қилишга қўйиладиган талаблар, дори воситаларининг сақлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб ва ҳисобот ишлари, дорихона ходимларига бўлган талаблар, дорихона фаолиятини таъминлаш, дорихона муассасасини йўқ қилиш пунктлари мавжуд.

Сан-Пин – бу тайёр дори воситаларини сотишда дорихона қурилишидаги санитар қоидалар ва меъёрлар акс эттирилган ҳужжат. Ушбу ҳужжат 5 та бўлимдан иборат.

1 бўлим – умумий ҳолатлар.

2 бўлим – дорихона жойлашиши ва қурилишига қўйиладиган талаблар

3 бўлим – дорихонанинг жиҳозланиши ва хоналарига бўлган талаблар

4 бўлим – дорихона хоналарининг санитар қурилиши

5 бўлим – дорихона ходимларининг шахсий гигиенаси ва хоналарни тозалашдаги қўйиладиган санитар талаблар.

Ҳозирги кунда Сан-Пин 0162-04 ишлаб чиқарилган, бундан 5 йил аввал яъни 1998 йилда эса Сан-Пин 0078-98 ишланган эди.

Дорихона ўз фаолиятини фармацевтик фаолиятга берилган лицензия асосида олиб боради. Фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрда чиққан 477 сонли қарорига мувофиқ ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб боради.

Ассистентлар, аналитиклар ва дистилляция хоналари бир бирига яқин жойлаштирилиши керак. Асептик мажмуа хоналари технологик жараён босқичлари билан мос равишда бевосита боғлиқликни таъминлаши керак. Ишлаб чиқариш хоналарининг девор ва потолоклари дезинфекция воситалари билан нам латтада артилиши керак. Поллар линолиум ёки керамик плиткалар билан қопланиши керак.

Асептик шароитда дорилар тайёрлаш учун алоҳида изоляцияланган хоналар асосан катта дорихоналарда ажратилади.

Унда қуйидагилар бўлиши керак: электр ёки газ ўтказгич, водопровод крани ва раковина, электр плитаси ёки газ горелкаси ҳамда асбоб ускуналар.

Асептик шароитида дори тайёрланадиган хонада оптимал санитария гигиена шароити яратиш учун дориларни стерилизация қилинадиган автоклавлар ва бошқа аппаратлар қўшни хонага (коктейлийга) жойлаштирилади.

Коктейлий – дорихона хоналаридан бири бўлиб, унда сув ҳайдалади ва ассистент ишига боғлиқ бўлган ҳар хил фармацевтик операциялар: дамлама ва қайнатмалар тайёрлаш, дориларни стериллаш, қайнатиш, буғлатиш ишлари ҳам бажарилади.

Баъзи бир дорихоналарда асептик шароитда дори тайёрлаш учун махсус блок-хоналар қурилади. Блоклар учта секциядан иборат бўлади:

- а) асептик хона – бу ерда дори тайёрланади.
- б) стерилизацион хона – бу ерда автоклав, 200⁰с гача иситадиган қуритгич шкаф ва бошқа стерилизация аппаратлари ўрнатилади.
- с) тамбур (боксдан олдинги хона) тамбурда фармацевт, стерилланган ҳалат қалпоқча, тапочкаларни кийиб, сўнгра асептик хонага киради.

Стол бокслар. Баъзи дорихоналарда асептик шароитда дорилар тайёрлаш учун махсус хоналар бўлмаслиги натижасида, дориларни қисман асептик шароитда тайёрлаш имконини берувчи стол бокслар катта роль ўйнайди. Асептик шароитда дорилар тайёрланадиган хоналарни дорихоналарнинг бошқа хоналаридан тўлиқроқ изоляция қилиш стол бокслар ҳавосини, тозаланган сувни стерилизация қилиш мақсадида бактерицид лампалар (ультрабинафша – нурлатгичлар - муваффақият билан қўлланмоқда). Ассистент хонага коржомасиз (ҳалат, косинка, қалпоқсиз) кириш мутлақо мумкин эмас.

Асептик блок дефектар, ассистентлар хонасига кираверишда дезинфекция эритмалари билан хўлланган резина гиламчалари бўлиши керак.

Ювиш хоналарида инъекция эритмалари ва кўз томчилари, ичиладиган дори воситалари сиртки ишлатиладиган дори шакллари учун алоҳида раковиналар бўлиши керак.

Раковиналар хар куни тозаланиши ва дезинфекция қилиниши шарт.

Дорихона ходимлари шахсий гигиена қодаларига риоя қилишлари шарт. Улар ишга тушмасларидан олдин албатта тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.

Асептик блок вентиляция билан жихозланиши керак. Хавони зарарсизлантириш учун асептик блокда, дистилляция хонасида бактериоцид нурлатгичлар бўлиши керак.

Асептик блок жихозлари дезинфекция эритмалари билан хўлланган латталарда артилиши шарт. Асептик блок дорихонанинг бошқа хоналаридан шлюзлар орқали ажратилган бўлиши керак. Дорихонадаги ёрдамчи материаллар (пахта, марли, пергамент қоғоз) биксларда стерилизация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 15 апрелдаги 177 сон “Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларни ташқи безагига доир қодалари” буйруғига асосан ичиладиган дори воситаларининг ёрлиқлари яшил рангда, инъекция учун тайёрланган дори воситаларининг ёрлиқлари кўк рангда, кўз томчилари, малхамлари учун ёрлиқлар пушти рангда, сиртга ишлатиладиган дори воситалари учун тўқ сариқ рангдаги ёрлиқлар босма кўринишида, “Болалардан эҳтиёт қилинг” деган огоҳлантирувчи ёзув ҳамда хар бир дори турининг таркибига қараб “Салқин жойда сақлансин”, “Ёруғлик тушмайдиган жойда сақлансин”, “эҳтиётлик билан ишлатилсин” каби ёзувлар бўлиши шарт.

Дорихонада тайёрланадиган дори воситаларини сифатини ошириш энг долзраб замонавий масалалардан биридир. Бунга эришиш мумкин бўлган йўллардан бири тайёрланган дориларни назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29 декабр 2002 йилда тасдиқланган 583-сонли буйруғи “Дорихона муассасаларида тайёрланган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисидадир. Ушбу қўлланма дорихона муассасаларида тайёрланадиган, қадоқланадиган дори турларининг сифатини баҳолаш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрларини белгилайди ҳамда дорихона муассасаларида кўрсатма сифатида фойдаланилади.

Дорихоналарда назорат аналитик хоналари бўлади. Хоналарда аналитик столлар бўлиб, улар керакли тартибда жихозланган бўлиши шарт. Столлар олдида айланма вертушкалар уларда эса штангласлар, штангласларда керакли реактивлар бўлади. Столларда аналитик торозилар, бюреткалар, зарур бўлган эритмалар туриши шарт. Дорихонада тайёрланган дориларни сифатини

фармацевт-аналитик, фармацевт-технологлар назорат қилиб туришлари керак. Фармацевт-аналитик ёки фармацевт-технологлар дори-дармонлардан бўшаган штангласларини ўзи вақтида тўлдириб туришлари керак. Улар ассистентлар хонасида дори-дармонларни амалдаги белгиланган коидаларга биноан тўғри сақланишини таъминлаб туришлари лозим. Бундан ташқари фармацевт - аналитик ва фармацевт - технологлар қадоқловчиларнинг иш жараёнларига раҳбарлик қилиб уларни ўрталаридаги вазифаларини тақсимлаб беришлари шарт. Дорихонада тайёрланган дорилар сифатини оширишни таъминлайдиган огоҳлантирувчи омилларга алоҳида эътибор бериш керак.

Якка тартибда тайёрланадиган дори воситалари, тез бузилувчи ва турғун бўлмаган препаратлар, концентратлар, яримфабрикатларни сифат ва миқдорини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 апрел 2000 йилда тасдиқланган 195-сонли (Дорихона шароитларида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини яхшилаш борасида) буйруғига мувофиқ дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд: ёзма, органолептик, оғзаки, физикавий ва кимёвий назорат.

Бундан ташқари қабул қилиш назорати ҳам мавжуд.

Қабул қилиш назоратида дорихонага келиб тушган дори воситаларини қадоқланиши, маркировкаси ва ташқи кўриниши текширилади. Агар шубҳа туғилса бу дори воситаси назорат таҳлил лабораториясига жўнатилади.

Ёзма назорат. Фармацевт томонидан тайёрланган дори воситаси учун алоҳида паспорт тўлдирилади. Паспортда сана, рецепт ёки талабноманинг номери ва ҳар бир ингредиентнинг номи ва миқдори, олинган дозаларининг сони ёзилади. паспортда тайёрлаган, қадоқлаган ва текширган шахсларнинг имзоси бўлиши шарт.

Ушбу назорат туридан дорихонада тайёрланадиган барча дори шакллари ўтиши лозим.

Агар дори воситаси яримфабрикат ёки концентратлардан тайёрланса, паспортда олинган миқдор ва уларнинг концентрацияси кўрсатилади. Порошоклар, шамчалар тайёрланганда эса ҳар бир ингредиентнинг массаси, ва уларнинг миқдори ёзилади.

Органолептик назорат. Бу назоратда дори воситасининг ташқи кўриниши, ранги, хиди, таъми, бир хил аралашганлиги механик аралашмаларнинг йўқлиги теширилади.

Катталарга тайёрланган ичиш учун дори воситаларининг баъзи бирлари, болаларга тайёрланган ичиш учун дори воситаларининг ҳаммасининг таъми текширилади.

Оғзаки назорат. Бунда фармацевт-технолог дори воситаси таркибига кирувчи биринчи ингредиентнинг номини айтади. Бошқа мураккаб дори аралашмаларида эса фармацевт ингредиентларининг номи ва миқдорини эсида қолгани бўйича кўрсатади. Ушбу назорат тури айрим дори воситаларда ўтказилади. Оғзаки назорат 5 та дори шакли тайёрланиб бўлингач олиб борилади.

Физикавий назорат. Бу назоратда дори шаклининг хажми ва умумий массаси текширилади. Натижалар махсус журналларда қайд этилади.

Ёрликдаги ёзувнинг рецептдаги ёзувга мос келиши катта эътибор талаб қилади. Айниқса оғоҳлантирувчи ёрликларга эътибор бериш керак. Масалан “Салқин жойда сақлансин”, “Ёруғлик тушмайдиган жойда сақлансин”, “Эҳтиётлик билан ишлатилсин”.

Кимёвий назорат. Бунда дори воситаларининг сифати ва миқдори текширилади.

Дорихонада қуйидаги дори воситаларини сифати текширилади:

- стерилизация қилингунга қадар барча инъекция эритмалари ва кўз томчилари;
- яқка тартибда тайёрланган дори воситаларининг баъзи бирлари;
- барча концентратлар, яримфабрикатларнинг ҳар бир сериялари;
- штангласларга қуйилган дори воситалари;
- омборхонадан дорихонага келтирилган дори воситаларининг баъзилари;
- тозаланган сув (хлоридлар, сульфатлар, кальций тузларининг йўқлиги.)

Қуйидаги дори воситаларининг миқдори текширилади:

- барча концентратлар, яримфабрикатларнинг ҳар бир серияси;
- стерилизацияга қадар барча инъекция учун тайёрланган дори воситалари;
- таркибида атропин сульфат, кумуш нитрат каби ингредиентлар сақлаган кўз касалликларида ишлатиладиган дори воситалари ;
- ассистент томонидан смена давомида тайёрланган баъзи дори воситалари;
- тез бузулувчан, турғун бўлмаган препаратлар.

Дорихонада тайёрланадиган дориларнинг сифатини ошириш юзасидан қуйидаги оғоҳлантирувчи чора-тадбирларга амал қилишни талаб қилинади:

- дори-дармонларни қабул қилиш жараёнида уларни диққат билан текшириб, сифат юзасидан шубҳа туғилса назора-аналитик лабораториясига юбориш;
- амалдаги буйруқлар талабларига мувофиқ дорихонада санитария ва фармацевтика тартибларига риоя қилиш;
- ишлаб чиқаришда ишлатиладиган аппарат, асбоб-ускуналарнинг аниқ, тўғри ишлашини таъминлаш;
- дорихонада дори воситаларининг физик-кимёвий хоссаларини яроқлилиқ муддатини эътиборга олиб, муайян шарт-шароитларда сақлаш (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 10 мартдаги 109-сонли буйруғи “Дори воситалари тиббиёт буюмларининг яроқлилиқ муддати тўғрисида”);
- дорилар билан тўлдирилган штангласлардаги ёрликларда тегишли ёзувларнинг бўлишини назорат қилиш;

- дорихонада келиб тушган рецептларни ёки талабномаларни тўғри расмийлаштирилганини текшириш.

- дориларни тайёрлаш технологияси қоидаларига амал қилиш кабилардир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 318-сонли буйруғи 2003 йил 4 июлда чиққан бўлиб, ушбу буйруқ “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 21 апрелдаги 195-сонли буйруғига қўшимча киритиш тўғрисидадир”.

Адабиётлар

1. Санитарные правила и нормы устройства аптек по реализации готовых лекарственных медикаментов. Сан - Пин 0162-04. – Ташкент: 2004. –с.7.
2. Ўзбекистон республикаси гигиеник нормативлар, санитар қоидалар ва меъёрларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 381-сон буйруғидан кўчирма). Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси.2003 йил. №1. б.42-45.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 15 апрел “Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларини ташқи безагига доир қоидаларини” тасдиқлаш ҳақидаги 177 сон буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30 июнь 2004 йилдаги 304 сонли “Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар. Асосий ҳолатлар тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақида”.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29 декабр 2002 йилдаги 583 сонли буйруғи “Дорихона муассасаларида тайёрланадиган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланмани” тасдиқлаш тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 апрел 2000 йилдан 195-сонли буйруғи “Дорихона шароитларида тайёрланадиган дори воситаларини сифатини яхшилаш борасида”.
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4 июл 2003 йилдаги 318-сонли буйруғи “ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 21 апрелдаги 195-сонли буйруғига қўшимча киритиш тўғрисида”.
8. Тошмухамедов Э.Р. ва бошқалар. Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти бўйича амалий машғулот Тошкент ,1992, 21-34 бетлар.
9. Юнусхўжаев А.Н. “Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти” III китоб 2003, 268-275 б.

Мавзу: “ Дорихонада ғамламалар бўлими ишини ташкил қилиш. Лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш ”

Режа

1. Дорихонада ғамламалар бўлимининг вазифалари.
2. Ғамламалар бўлимидаги фармацевт ва қадоқловчиларнинг вазифалари.
3. Дорихона омборхонасидан молларни олиш, дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига молларни тарқатиш тартиблари.
4. Ғамламалар бўлимидаги хоналар ва улар ўртасидаги боғлиқлик.
5. Ғамламалар бўлимидаги дори воситаларининг сақланиши.
6. Наркотик, заҳарли дори воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, этил спиртини сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Лаборатория ва қадоқлаш ишлари ҳисобини олиб бориш тартиби.
8. Тайёр дорилар ва рецептсиз савдо бўлимларининг вазифалари.

Ғамламалар бўлимининг асосий вазифалари дорихона таъминотчиларидан келтирилган дори воситалар ва бошқа тиббий молларини қабул қилиб олиш, сақлаш, уларни бошқа бўлимларга даволаш-профилактика муассасаларига, ташкилотларга, шахобчаларига тарқатиш ҳамда лаборатория ва қадоқлаш ишларини амалга оширишдан иборат.

Ғамламалар бўлимида фармацевт ва қадоқловчилар хизмат қилиб, улар бевосита бўлим мудири ва муовинларига бўйсундилар.

Бўлимда фармацевт-технологнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бўлимдаги лаборатория ишларини олиб бориш, жумладан, концентрланган эритмаларини, ярим фабрикатлар, дорихонада ва тез-тез учраб турадиган рецептлар бўйича олдиндан дорилар тайёрлаш;
- қадоқловчилар ўртасида ишларни тақсимлаб, қадоқланган маҳсулотларни қабул қилиш;
- моллар сақлаш хоналарида давлат фармакопеяси ва амалда тасдиқланган йўриқномаларнинг талабларига мувофиқ тўғри сақланишини таъминлаш;
- штангласларни дори ва дори воситалари билан тўлдириб туриш;
- бириктирилган даволаш профилактика муассасалари ва дорихона бўлимларидан тушган талабномалар асосида моллар тўплаш;

- дори воситалари ва бошқа тиббиёт молларига буюртма тузишда қатнашиш, вақтинчалик йўқ бўлган дори воситаларига буюртма тузишда қатнашиш, вақтинчалик савдода бўлмаган ва янги қабул қилинган дори воситаларининг ҳисобини олиб бориш;
- дорихонага олиб келинган молларни қабул қилишда қатнашиб, уларни сақланиш жойлари бўйича жойлаштиришни ташкил қилиш;
- бўлимда фармацевтик тартиб ва санитария режимига риоя қилишни назорат қилиб туриш ва бошқалар.

Қадоқловчилар эса қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- дори воситаларни қадоқлаш;
- молларни қабул қилишда ва бўлимларга тарқатишда қатнашиш;
- тарозилардан, қадоқлаш асбобларидан ва ускуналардан тўғри фойдаланиб, уларни озода сақланишини таъминлаш;
- фармацевт ва фармацевт ассистентларнинг ишлаб чиқаришга доир кўрсатмаларини бажариш.

Қадоқловчи бажарилган ишнинг сифати ва иш жойининг санитария ҳолати учун жавобгар ҳисобланади.

Ғамламалар бўлими дорихона омборхонасидан молларни олиш учун буюртма-талабнома ёзади. Буюртма талабнома 2 нусхада омборхонанинг тегишли бўлимлари учун расмийлаштирилади. Таркибида захарли, наркотик моддалар ва этил спирти бўлган дори воситалар учун алоҳида буюртма талабномалар ҳар ойда режа асосида дорихона омборхонасига, айрим ҳолларда режадан ташқари шошилиш буюртмалар тузилади.

Ғамламалар бўлиmidан дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига молларни талабнома юк хатига мувофиқ берилади. Талабнома юк хати 3 нусхада тўлдирилади. Унинг биринчи нусхаси моллар ҳисоботига киритилиб, иккинчиси молларни қабул қилган ходимга берилади, учинчи нусхаси эса уларни тарқатган моддий жавобгар шахсда қолади.

Ғамламалар бўлимида қуйидаги хоналар бўлади:

- молларни қабул қилиш хонаси;
- тайёр дори воситаларини, иссиққа чидамсиз - термолабил дори воситаларини, минерал сувларни, ҳар хил идишларни, дори воситаларини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш ва беришда керак бўладиган ёрдамчи материаллар, доривор ўсимликлар ҳамда боғлов материалларини сақлайдиган хоналар.

Айрим дорихоналарни ғамламалар бўлимида лаборатория ва қадоқлаш ишларини бажариш учун алоҳида хона бўлиб, унда концентратлар, яримфабрикатлар тайёрлаш ва қадоқлаш ишлари бажарилади. уларни бажариш учун эса ҳар хил кичик механизация воситаларидан фойдаланилади.

Ғамламалар бўлимидаги дори воситалари давлат фармакопеяси талабларига мувофиқ сақланади. Дори воситаларининг сақлаш қоида ва шартларига аниқ риоя қилинса, уларнинг бузилиш ҳолларини олди олинади. Дори воситаларини сақлашда уларни токсикологик хоссалари, фармакологик гуруҳлари, қўлланиш усуллари, агрегат ҳолатлари, яроқлилиқ муддати таъсирчанлигига асосан гуруҳларга таснифланади.

Ёруғликка сезгир препаратлар тўқ зарғалдоқ рангли шиша идишларда, баъзида ёруғлик ўтказмайдиган қора қоғоз ёпиштирилган штангласларда сақланади.

Намликка сезгир препаратлар қуруқ жойларда сақланади.

Резина буюмлари салқин хоналарда, қоронғи шкафларда ва тоқчаларда сақланади. улар сақланадиган хоналар ва шкафлардаги намлик 60% дан кам бўлмаслиги керак. Унинг учун карбон кислотасининг эритмаси ва резина буюмларини эластиклигини сақлаш мақсадида аммоний карбонат ёки хлорид, очиқ идишларда қўйилади.

Боғлов материалларини қуруқ ёруғ хоналарда алоҳида шкаф тортмаларида сақланади. Уларни сақлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб қилинади.

Наркотик, заҳарли дори воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар, этил спирти алоҳида шарт-шароитларга риоя қилинган ҳолда сақланади. Наркотик, ўта заҳарли дори воситалар махсус сейфларда сақланади. Ушбу дори воситалар сақланадиган хоналар ёруғлик ёки товуш сигнализацияси билан таъминланади.

Наркотик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар сақланадиган сейфларнинг иккитадан калити бўлиши лозим. Уларнинг бири жавобгар шахсда, иккинси эса мудирда бўлади.

Наркотик дори воситалари сақланадиган сейфларда уларни ўлчаш учун қўл тарозилари, дори воситаларини тайёрлаш учун ховонча, цилиндр, воронка бўлиши шарт.

Прекурсорлар сақланадиган хоналарда табиий вентиляция бўлиши лозим.

Прекурсорлар сақланганда чанг билан ифлосланмаслик ва бошқа чораларни кўриш керак, акс ҳолда портлаш ходисаси рўй бериши мумкин. Этил спирти аланга олувчи препаратлар қаторига киргани учун уни оғзи маҳкам ёпиладиган идишларда ёруғликдан ҳимоя қилинган ҳолда, салқин жойларда, алоҳида хоналарда сақланиши керак.

Смена тугагач, юқорида қайд этилган моддалар сақланадиган хоналар ёпилиб, муҳрланади ёки пломбланади.

Ғамламалар бўлимида бажарилган лаборатория ва қадоқлаш ишлари “Лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш дафтари”да қайд этилади. Бу дафтарда лаборатория иши учун берилган дори воситаларнинг номи, ўлчов бирлиги, миқдори, баҳоси, умумий нархи билан биргаликда тайёрлаб, қадоқлаб топширилган маҳсулотларнинг серияси, ўлчов бирлиги, номи, миқдори баҳоси, умумий нархи, хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг нархлари орасидаги фарқлар

акс этирилади, ҳамда ишни бажариб сифатини текшириб, қабул қилиб олган шахсларнинг имзолари қўйилади.

Дорихоналарда ходимларнинг иш фаолиятини енгиллаштириш учун олдиндан концентратлар, яримфабрикатлар тайёрланади:

50% ли глюкоза, 20% ли натрий бромид, 20% ли магний сульфат, 10% ли калий йодид, димедролнинг 1% ли, бор кислотасининг 2% ли, натрий тиосульфатнинг 60% ли, натрий хлориднинг 0,9% ли эритмалари ва ҳоказо.

Тайёрланадиган концентратлар, яримфабрикатлар ва дорихона стандартларининг номенклатураси дорихона ҳудудидаги “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмаси ва назорат-аналитик лабораториялар билан келишилган бўлиши керак.

Тайёр дори воситалари бўлими ҳар хил секцияли шкафлар, столлар ва пештахталар билан жиҳозланади, ундан ташқари термолабил дори воситалари учун музлатгичлар, заҳарли, наркотик дори воситалари учун эса қулфланадиган темир сейфлар бўлади. Бўлимни мудир ва унинг ўринбосарлари – олий маълумотли фармацевтлар бошқаради. Ушбу бўлимнинг асосий вазифаси аҳолига турли тайёр дори воситаларини врач рецепти бўйича савдо қилишдир.

Дорихонадаги дори воситаларини ва бошқа тиббиёт буюмларини рецептсиз берадиган бўлим ҳам кутиш залига жойлаштирилади. У ҳар хил тўсиқлар билан ажратилган бўлади. Рецептсиз савдо бўлимини эса ўрта маълумотли фармацевт – ассистенти бошқаради. Бу бўлимнинг вазифаси аҳолига врач рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситалари, гигиена буюмлари ҳамда бошқа тиббиёт моллари, беморлар парваришида ишлатиладиган буюмлар билан савдо қилишдан иборат.

А д а б и ё т л а р

1. Тошмухамедов Э.Р. ва бошқалар Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти бўйича амалий машғулот. Тошкент, 1992, 35-47 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 июнь 2002 йилдаги 297-сонли буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 9 июль 2003 йилдаги 324-сонли буйруғи “Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида”.
4. Постановление “Об утверждении положения о технических по хранению наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров” “Зарегистрировано” министерством юстиции республики узбекистан 11 июля 2001 г. № 1048. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти Тошкент, III-китоб, 2003, 390-407 бетлар.
5. Приказ МЗ РУз № 527 от 28 ноября 2001 года. “Зарегистрировано” министерством юстиции Республики Узбекистан 29 декабря 2001 года. № 1090. “Об утверждении

положения об условиях хранения, отпуска, реализации, распределения, учета наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров” Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолияти Тошкент, III-китоб, 2003, 206-242 бетлар.

Мавзу: Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси

Режа

1. “Даволаш профилактика муассасалари дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида”ги буйруқ.
2. “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПМ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида”ги буйруқ ва унинг аҳамияти.
3. Даволаш профилактика муассасаси дорихонаси ва унинг асосий вазифалари.
4. ДПМ ихтисоси ва тузилишига кўра ундаги дорихоналар таснифи.
5. Дорихона мудир зиммасига юкланадиган вазифалар.
6. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори-дармонларни сақлаш қоидалари.
7. Шифохона дорихоналарининг хоналари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 5 сентябрда чиққан “Даволаш профилактика муассасалари дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида”ги 400 – сонли буйруғига биноан шифохона дорихоналари ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим. Буйруққа асосан барча даволаш профилактика муассасалари дорихоналарида тайёрланаётган дори воситалари сифатини назорат қилишни стандарт талабларига мувофиқлаштириш, ҳамда даволаш профилактика муассасалари шифохоналари таркибидаги дорихоналарда тайёрланган дори воситалари билан белгиланган тартибда ҳудуддаги барча ДПМларни таъминлаш чоралари кўрилиши шарт. Ундан ташқари буйруқда айтилишича ДПМ дорихоналари фаолиятини санитария қоидалари ва меъёрлари асосида амалга ошириш ишлари доимий назорат қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4 октябрь 2001 йилда чиққан “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПМ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида”ги 444 – сонли буйруғи амалий ва назарий аҳамиятга эга. Республика ҳудудида жойлашган даволаш профилактика муассасалари ички дорихонасида стерил дорилар тайёрлаш шарт-шароитларини яратиш бўйича тавсиянома берилган. Унда даволаш профилактика муассасалари ички дорихонасида стерил дори воситалари тайёрлашда ишлатиладиган зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар рўйхати келтирилган. Буйруқда дори воситалари тайёрлаш ҳамда

тахлил қилиш жараёнида фойдаланиладиган меъёрий ҳужжатлар, дорихоналарда таҳлил ишлари учун ишлатиладиган индикаторлар, реактивлар ва эритувчилар рўйхати берилган.

Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ҳақидаги низомга биноан шифохона дорихоналари ўринларининг сони 100 ва ундан ортиқ бўлган даволаш профилактика муассасаларида ташкил этилади.

Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ушбу муассасанинг бўлимлари билан бир ҳуқуқда ишлаб, уларни дори-дармон ва бошқа тиббиёт моллари билан таъминлаб туради. Дорихонанинг ишлаш вақти даволаш профилактика муассасасининг бош врачлари томонидан белгиланади. Дорихона бевосита шифохонанинг бош врачига бўйсуниб, бўлим мудирлари ва врачлар билан узвий боғланиб ишлайди.

Даволаш профилактика муассасаси дорихонасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- даволаш профилактика муассасаси бўлимларидан дори-дармонлар ва бошқа тиббиёт моллари учун талабномалар қабул қилиб олиш;
- қабул қилинган талабномалар бўйича соғлиқни сақлаш вазирлиги амалдаги буйруқлари асосида белгиланган тартибда дори турларини тайёрлаш, уларни сифатини назорат қилиш, ёрликлаш ва тегишли бўлимларга тарқатиш;
- даволаш профилактика муассасаси бўлимларини дори воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва таъминотчилардан шартнома асосида; Давлат Реестрига киритилган дори воситалари, боғлов материаллари, беморлар парваришида ишлатиладиган буюмлар, санитария ва гигиена буюмлари, дезинфекция воситалари ҳамда тиббиёт молларини ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш;
- шифохонадаги бўлимлари ва хоналаридаги дори воситалари, боғлов материаллари, беморлар парваришида ишлатиладиган санитария ва гигиена ашёлари, дезинфекция воситалари ва бошқа тиббиёт буюмларини амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида сақланиши, ишлатилишини назорат қилиш ва йўл қўйилган хато-камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш учун раҳбариятга ахборот бериш;
- тиббиёт ходимларига фармацевтика янгиликлари, дорихонада мавжуд бўлган, янги дорилар ва уларни ишлатилиши ҳақида ахборот бериш;
- даволаш-профилактика муассасаси ихтисоси ва эҳтиёжига кўра дори воситалари ва тиббиёт буюмлари захирасини доимий равишда тўлдириб бориш;
- дорихонада мавжуд бўлган дори воситаларни сақлашда амалдаги санитария қоидалари ва меъёрларига ҳамда фармацевтика талабларга қатъий риоя қилиш;

даволаш профилактика муассасаларининг ихтисоси ва тузилишига кўра ундаги дорихоналарни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- умумий турдаги шифохоналарнинг дорихоналари (аралаш, кўп ихтисосли шифохоналар);
- ихтисослаштирилган шифохоналарнинг дорихоналари (сил, инфекцион касалликлар шифохоналари, туғруқхоналар);
- рухий асаб касалликлари шифохоналари дорихоналари;
- махсус клиник шифохоналари дорихоналари.
- дорихона ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил ишлаган малакали шахсга рухсат этилди;
- дорихона мудир ДПМ раҳбари томонидан ўрнатилган тартибда ишга тайинланади ва ишдан бўшатилади, ДПМ раҳбарияти ва дорихона мудир ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.
- ДПМ дорихонанинг раҳбари ва ходимлари белгиланган тартибда 5 йилда бир маротаба малака ошириш курсларида ўқишлари керак.

Дорихона мудир зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

- даволаш профилактика муассасаси бўлимларидан талабномалар қабул қилиб, дориларни тайёрлаб, сифатини назорат қилиб, уларни тарқатишни ташкил этиш;
- ўз вақтида ДПМ бўлимларини дори-дармонлар ва тиббиёт моллари билан таъминлашни уюштириш;
- дорихонадаги дори-дармонлар ва тиббиёт молларини уларнинг хоссаларига қараб давлат фармакопоеясининг ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда сақлашни ташкил қилиш;
- дорихона санитария тартиби қоидаларига риоя қилиш;
- дори воситалари сифатини назорат қилиб, учраган хатоликлар тўғрисида бош врачга ёки унинг муовинига хабар бериш;
- ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- тасдиқланган шаклларда ўз вақтида ҳисоботлар тузиб топшириш.

Заҳарли дори-дармонларни қулфланадиган темир шкафларда ва ёғочдан ясалган, қулфланадиган шкафларда сақланади, наркотик дорилар фақат темир шкафларда қулфланган ҳолда сақланиб, эшикларни ичкари қисмида “А” ва заҳарли дориларни бир маротабалик ҳамда суткалик юқори истеъмол қилинадиган дозалари ёзилган рўйхати бўлади.

Кучли таъсир этувчи дори-дармонлар “Б” рўйхатида бўлиб, алоҳида қулфланадиган шкафларда сақланади. “А” ва “Б” рўйхатдаги темир шкафларнинг калити тегишли жавобгар шахсда бўлиши шарт.

Заҳарли дори берилган накладной – талабномалар шифохона дорихонасида 2 йил давомида, наркотик дорилар 5 йил давомида ва қолганлари эса 1 йил давомида сақланади. Шу муддат

ўтгандан сўнг юкори ташкилотлар томонидан ҳужжатларни тафтиш ўтказилгандан кейин тегишли тартибда йўқ қилинади.

Шифохона дорихоналарида савдо зали бўлмайди, чунки у аҳолига хизмат қилмайди. Шифохона дорихоналарида қуйидаги хоналар мавжуд бўлади:

1. Ишлаб чиқариш хоналари - (кутиш хонаси, рецептларни қабул қилиш хонаси, рецептура жўнатиш хонаси, ассистентлар хонаси, дарчали асептика хонаси, инъекцияли эритмалар расмийлаштириш хонаси, идишларни қайта ювиб стериллаш хонаси, қадоқлаш хонаси, фармацевт аналитик хонаси, тозаланган сув олиш хонаси, молларни очиш хонаси).
2. Сақлаш учун хоналар - (тайёр дорилар, куруқ ва суюқ дорилар, боғлов материаллари, хирургик асбоблар, врачлик буюмлари, оловдан хавфли нарсалар, дезинфекция воситалари, кислоталар хонаси, доривор ўсимликлар, идишлар, ёрдамчи материаллар хонаси, музлатувчи камералар хонаси).
3. Маиший хўжалик хоналари – (экспедиция хонаси).

Адабиётлар

1. Санитарные правила и нормы устройства аптек по реализации готовых лекарственных медикаментов. Сан Пин 0162-04. – Ташкент: 2004. –с.7.
2. Ўзбекистон Республикаси гигиеник нормативлар, санитар қоидалар ва меъёрларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 381-сон буйругидан кучирма). Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси.2003 йил. №1. б.42-45.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 5-сентябрдаги 400-сонли буйруги “ДПМ дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида”
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 4-октябрдаги 444-сонли буйруги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПМ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида”

Мавзу: “Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими. ”

Режа

1. Фармацевтика саноатидаги назорат турлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси ва унинг асосий вазифалари.
3. Фармакология, фармакопея, наркотиклар назорати, янги тиббий техника кўмиталари ва уларнинг вазифалари.
4. Малака ошириш, метрология бўлимлари ва қайд этиш бюросининг вазифалари.
5. Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат Реестри. Дори воситаларини қайд этиш учун талаб қилинадиган хужжатлар руйхати.
6. Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази, унинг лабораториялари, илмий – услубий ва инфорацион бўлими ва сертификатлаштириш секторининг вазифалари.
7. Қалбаки дори воситалари ва уларнинг муомилага чиқишини олдини олиш чора-тадбирлари.

Маълумки, дори воситаларининг сифатли бўлишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, фармацевтика соҳаси ва саноатининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Республикада ишлаб чиқарилаётган ҳамда чет элдан келтирилаётган дори воситаларининг сифати доимо текширилади. Фармацевтика саноатида қуйидаги назорат турлари мавжуд:

- дори воситаларини қабул қилишдаги назорати;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги назорати;
- техник назорат.

Янги дори воситаларини ишлаб чиқаришга тиббий амалиётда қўллашга Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат беради. Янги дори воситалари амалиётда қўлланишдан олдин тегишли тартибда назоратдан ўтади. Бу ишлар асосан дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181- сонли қарори дори воситалари, тиббий буюмлар ва даволаш профилактика озиқ-овқатлари сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлашни муҳим

вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1995 йил 2 июндаги 250 сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида “Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси” ташкил этилди.

Бошқарманинг асосий вазифалари:

1. Дори воситалари, диагностика воситалари, тиббий техник ва тиббий буюмлар сифати устидан давлат назоратини ошириш.
2. Дори воситалар, тиббий буюмлар, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техникани экспертизадан ўтказувчи, стандартлаштирувчи, рўйхатидан ўтказувчи ва сертификацияловчи муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш. Чет элдан келтирилган дори воситаларини сифатини назорат қилиш.
3. Уларга раҳбарлик қилиш.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг таркибида қуйидаги қўмиталар мавжуд:

1. Фармакология қўмитаси;
2. Фармакопея қўмитаси;
3. Наркотиклар назорати қўмитаси;
4. Янги тиббий техника қўмитаси.

Фармакологик қўмита Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг клиник синовлар, тиббий амалиётда доривор, диагностик ва профилактик воситаларини қўллаш, доривор озиқланиш ва парафармация каби саволлари бўйича текширувчи органи ҳисобланади.

Фармакология қўмитасининг вазифаларига қуйидагилар киради: клиник синовларни ҳар бир дори моддасида ўтказиш, тиббиёт амалиётида ва ишлаб чиқаришда янги доривор моддаларни қўллашни тавсия қилиш, эски доривор моддаларни рўйхатдан чиқаришни тавсия қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармакопея қўмитаси дори, диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек фармацияда ишлатиладиган ёрдамчи воситаларни стандартларни экспертизадан ўтказувчи, амалиётга жорий этилишини таъминловчи бўлимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сон “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан фармакопея қўмитаси “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни ихтиёридан қайта Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тасарруфига ўтказилди ва шу кунга қадар Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси таркибида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Наркотиклар назорати қўмитаси - 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги наркотик воситалар, психотроп моддалар конвенцияси ҳолатлари асосида, шу воситалар ва моддалар бўйича ноқонуний муомалага қарши кураш олиб боровчи Ўзбекистон Республикасидаги компетент орган ҳисобланади.

Наркотиклар назорати қўмитасининг вазифалари:

- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомаласи устидан назорат қилишни таъминлайди;
- 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги БМТ конвенциялари тавсияномаларига мос равишда наркотик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар рўйхатини кўриб чиқишда қатнашади;
- вазирликлар, ташкилотлар буюртмалари асосидаги тиббиёт ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат қилади;
- Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва республикадан олиб чиқиш бўйича наркотик дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ҳақидаги ҳуқуқий шахсларни аризаларини кўриб чиқади;
- Ўзбекистон Республикасидаги наркотик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни белгиланган тартибда беришни расмийлаштиради;
- наркотик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;
- наркотик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар экспертизасининг янги усуллари баҳолашда қатнашади;
- Фармакология қўмитасининг маълумотлари билан мос равишда оғриқ қолдирувчи воситаларни баҳолайди;
- Ўзбекистон республикаси давлат назоратига қиравчи наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи масалалари билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа органларга ёрдам беради;
- Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар ҳақида услубий қўлланмалар, янги йўриқномалар ишлаб чиқади;
- янги наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар ва мураккаб дори воситаларини баҳолашда қатнашади;
- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан шуғулланувчи мутахассислар малакасини ошириш бўйича курслар, семинарлар ўтказиши;
- Ўзбекистон Республикасининг наркотик воситаларга бўлган эҳтиёжини жамлайди ва бмтнинг наркотик назоратлар қўмитасига квота ажратиши учун юборилади;

- БМТ нинг наркотик воситалар муомаласи бўйича халқаро наркотиклар назорати қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Янги тиббий техника қўмитаси - республикага олиб кириладиган ва республикада яратилган тиббий техникани қайд этишга рухсатномани тайёрлайди, бу қўмита ишида тиббий техника жиҳозлари ва маҳсулотлари сифатини назорат қилиш лабораторияси ёрдам беради.

Бундан ташқари Бош бошқармада фармацевтик назорат, малака ошириш курслари, метрология бўлимлари ва қайд этиш бюроси мавжуд.

Фармацевтик назорат бўлими - дори воситалари ва тиббий буюмларни сифат стандартлари талабларини бажарилиши, сертификатланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва қўллаш жараёнида назоратни амалга оширади.

Малака ошириш курслари бўлими – республикадаги маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ходимларини ЖССТ “яхши ишлаб чиқариш амалиёти” қоидалари бўйича ўқитилади.

Метрология бўлими – сертификация бўлимига тушган буюртмалардаги приборларни меъёрий ҳужжатларга мослигини синовлар асосида текширади.

Қайд этиш бюроси – чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тавсия этиладиган дори воситалари ва тиббий техникани республикада сотишга рухсат этиш учун қайд этади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат Реестрига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасида расмий қайд этилган чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг дори воситалари, тиббий техника ва тиббиёт буюмлари, даволаш-диагностика воситалари ҳамда субстанцияларнинг тўлиқ рўйхати киритилган. Реестрда савдо номи ва ишлаб чиқарувчи фирма номининг ўзгариши муносабати билан қайта қайд этилган дори воситалари ҳамда шу йилларда қайд этилганлиги бекор қилинган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳам акс эттирилади.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат Реестри Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили нашр этилади ва дори воситаларининг муомаласи билан шуғулланувчи барча муассаса ва ташкилотлар учун расмий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

I. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан дори воситаларини қайд (ёки қайта қайд этиш) учун ариза:

- эгалик қилувчи ташкилот;
- ишлаб чиқарувчи корхона;
- актив субстанцияни ишлаб чиқарувчи, мамлакат;
- дори воситасининг номи (русча, ўзбекча ва лотинча);
- халқаро патентланмаган номи;

- асосий синонимлари;
- дори воситасининг таркиби;
- дори шакли, дозаси;
- қўллаш усуллари ва асосий кўрсатмалар;
- сақлаш шароити;
- сақлаш муддати;
- стандарт қадоғи;
- ишлаб чиқариш учун олинган лицензияни муддати, санаси ва тартиб рақами.

II. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаган генерик дори воситаларини қайд этиш учун бош бошқармага топшириладиган хужжатлар тўплами:

- қайд этиш учун ариза;
- дори воситаларининг қисқача тавсифномаси;
- тиббиётда қўллаш йўриқномаси;
- таъсир этувчи модданинг (субстанциянинг) вақтинчалик фармакопоя мақолалар, фармакопоя мақолалари таҳлил натижалари билан;
- дори шаклининг меъёрий таҳлил хужжати (mtx);
- дори воситасининг биоэквивалентлигини тасдиқловчи хужжат;
- ўртача намуна олиш баённомаси;
- 3 қайта таҳлил ўтказиш учун дори воситаси ва субстанция намуналари (5та серия);
- ишлаб чиқариш технологик регламенти;
- ишлаб чиқариш лицензияси.

Ушбу хужжатлар 2 нусхада ёзилади. бундан ташқари намунанинг 4 та қадоқланган шакли фармакологик ва фармакопоя қўмитасига топширилади.

III. Чет элдан келтирилган дори воситаларини қайд этиш учун талаб қилинадиган хужжатлар:

- қайд этиш учун тавсиянома хати;
- қайд этиш учун ариза (рус тилида);
- ишлаб чиқарувчи ва бошқа мамлакатларда қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, шу жумладан МДХ давлатларида ҳам;
- тиббиётда қўллаш йўриқномаси (рус тилида);
- препаратнинг сифатини назорат қилишда фойдаланилган меъёрий хужжат (рус ва инглиз тилларида);
- GMP (яхши ишлаб чиқариш амалиёти) шароитида ишлаб чиқарилган препаратни тасдиқловчи сертификат;
- препаратнинг сифат сертификати;
- тақдим этилаётган препаратнинг фармакокинетик маълумотлари;

- дори воситасини клиникада ишлатилиши ҳақидаги маълумот;
- препаратнинг 3 қайта ўтказилган таҳлил намуналари;
- қадоқлаш намунаси ва ёзуви.

Ушбу ҳужжатлар 2 нусхада ёзилади. Бундан ташқари намунанинг 4 та қадоқланган шакли фармакологик ва фармакопея қўмитасига топширилади.

IV. МДХдан келтирилган дори воситаларини қайд этиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- қайд этиш учун тавсиянома хати;
- қайд этиш учун ариза;
- ишлаб чиқариш учун лицензия;
- ишлаб чиқарувчи ва бошқа мамалакатларда қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси;
- актив компонент ва охириги маҳсулот учун амалдаги фармакопея мақоласи;
- аналитик паспорт;
- тиббиётда ишлатиш йўриқномаси;
- сақлаш жараёнидаги турғунликни ўрганиш жадвали;
- меъёрий техник ҳужжат бўйича 3 қайта таҳлилнинг намуналари;
- клиник маълумотлар (рус тилида);
- чет эл субстанциясига қайд этиш гувоҳномаси ва сифат сертификати.

Ҳужжатлар 2 нусхада бўлади.

Дори воситалари стандартизацияси ва экспертизаси давлат маркази маҳаллий корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси рўйхатига олиш учун хорижий фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт ашёларининг стандартизациясини ҳамда давлат назоратини амалга оширади.

Давлат маркази лабораториялари дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш учун АҚШ, Германия, Англия каби давлатларнинг етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ўлчов воситалари ва ускуналари билан жиҳозланган.

Давлат Марказида қуйидаги лабораториялар мавжуд:

1. Дори воситаларини сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш лабораторияси.
2. Вакцина, зардоб препаратлари ва микробиологик тадқиқотлар лабораторияси.
3. Фармако-токсикологик тадқиқотлари лабораторияси.
4. Тиббий техника сифатини назорат қилиш лабораторияси-тиббий техника асбоблари ва тиббиёт буюмларнинг синовларини ўтказади.

Шунингдек, Андижон, Самарқанд, Ургенч ва Қарши шаҳарларида давлат маркази филиаллари мавжуд.

Дори воситалари стандартизацияси ва экспертизаси давлат марказида илмий – услубий ва информацион бўлим ҳамда сертификатлаштириш сектори мавжуд.

Илмий услубий ва информацион бўлими – республикада фармацевтика соҳаси бўйича илмий – амалий янгиликларни мазкур соҳа мутахассисларига ва аҳолига етказиш билан шуғулланади.

Ушбу вазифалар Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси ва ҳар йили бир марта чиқариладиган Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг Давлат Реестрини чиқариш билан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш сектори тиббий техника буюмлари ва дори воситаларига мувофиқлик сертификатини беради.

Ўзбекистон фармацевтик бозоридаги қалбаки дори воситалари бу янги муаммо ҳисобланади. Авваллари бу муаммога биз тўқнаш келмаганмиз, чунки маълум бўлишича ватанимизда қалбаки дори воситаси тушунчаси мавжуд бўлган қонуний ёки меъёрий далолатномалар бўлмаган.

1997 йилда Красноярск фармацевтик заводи “Красфарма” томонидан ишлаб чиқарилган полиглюкин (қон ўрнига ишлатилувчи дори воситаси)нинг қалбакилиги исботланган.

2000 йилда 6 ой мобайнида препаратларнинг 150 та серияси сифатсиз эканлиги топилган, улардан 90 таси қалбаки дори воситаларига киради. Улар қуйидагилар-линекс, трихопол, бисептол ва бошқалар. Натижалар шуни кўрсатадики, ҳар учинчи қалбаки намунанинг таркибида таъсир қилувчи дори моддаси мавжуд эмас.

Ушбу муаммоларни тўлақонли ҳал қилиш учун мутахассислар улкан ишлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари чиқариляпти ва уларга риоя қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 декабр 2002 йилда чиққан 427 сонли қарори шулар жумласидандир. Ушбу қарор “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” бўлиб, унда импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисида фикрлар юритилган.

А д а б и ё т л а р

1. Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг дори, тиббий техника ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни кайд этиш бюроси низоми.
2. Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат Марказининг низоми.
3. Махсумов М.Н., Маликов М.М. “Фармакология” Тошкент, 1997, 16 бет.
4. Тошмухамедов Э.Р. ва бошқалар “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти бўйича амалий машғулоти” Тошкент, 1992, 85-92 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси фармакология қўмитасининг низоми.
6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси фармакопея қўмитасининг низоми.
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 май 181 сонли қарорини бажариш мақсадидаги 250 сонли буйруғи 02.05.95йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш профилактик озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 25 май 1995 йил 181 сонли қарори.
9. Ҳидоятова З.Ш. Зайнутдинов Х.С. Дори воситалари ва тиббий техника маҳсулотлари сифатини таъминловчи назорат-рухсатнома тизими. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тизими. Ўқув услубий кўрсатма 2000, 7-14 бетлар.
10. Юнусхўжаев А.Н. Ўзбекистон Республикасида Фармацевтика фаолияти 1-китоб. Тошкент, 2001, 186-бет.

Мавзу: “Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истиқболини аниқлаш”.

Режа

1. Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Алоҳида фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш услублари.
3. Қондирилган, қондирилмаган ва шаклланаётган эҳтиёж тушунчаларини изоҳланг.
4. Сўров, талаб, истеъмоли тушунчаларини тавсифланг.
5. Эҳтиёжни аниқлашнинг замонавий усуллари.

Дори воситаларига бўлган эҳтиёж - бу аҳолини дори ва дорихона буюмларини сотиб олиш имкониятини қайд қилиш ва уларга бўлган талабни ўз вақтида қондириш-демакдир.

Эҳтиёжга таъсир этувчи омиллар: аҳоли сонини ўсиши, фаолиятнинг географик кенгайиши, аҳолининг моддий ва маънавий даражаси, давонинг давомийлиги, эпидемия, табиий офат, тиббий ва фармацевтик ходимнинг компитентлиги.

Алоҳида фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш услублари:

1. Таъсир доираси кенг бўлган дори воситалари (оғрик қолдирувчи, иситма туширувчи).
2. Махсус таъсирга эга бўлган (сил, қандли диабет касаллиги) касалликларни даволашда ишлатиладиган алоҳида гуруҳ дори воситалари.
3. Истеъмоли чекланган дори воситалари (наркотик дорилар, этил спирти)

Таъсир доираси кенг бўлган дори воситаларига бўлган эҳтиёжни топиш учун иқтисодий математик усуллардан фойдаланилади.

Махсус таъсирга эга бўлган касалликларини даволашда ишлатиладиган алоҳида гуруҳлар учун қуйидаги формуладан фойдаланиб эҳтиёж топилади.

$$\mathcal{E} = D \times K \times B.$$

бу ерда $\mathcal{E}$ -махсус дори воситаларга бўлган бир йиллик эҳтиёж.

D -битта беморга даволаш курси давомида кетадиган миқдор.

K - даволаш курслари сони .

B - айти дори воситаси ёрдамида даволанадиган беморлар сони.

Демак, махсус таъсирга эга бўлган дориларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда шу касаллик бўйича аҳолининг касалланиш даражаси, даволаш усуллари ва дори воситаси миқдори каби кўрсаткичларни жамлаб, тахлил қилиш тавсия этилган. Бунда бир беморга дори воситасининг 1 курс даволаниши учун сарфланиши ва 1 йилда тахминий даволаниш курси сони аниқланади. Истеъмоли чекланган дори воситаларига бўлган эҳтиёж қуйидаги формула билан ифодаланади;

$$\Xi = \frac{M \times A}{1000}$$

бу ерда Ξ -1 йилга ушбу препарат учун максимал тўғри келадиган эҳтиёж. М - бир йилга 1000 та аҳоли учун шу препаратнинг меъёри .

А - аҳоли сони.

Талабни ўрганиш борасида 3 хил тури фарқланади;

1. Қондирилган талаб-бу дорихонада аҳоли истеъмоли учун доимо етарли миқдорда бор бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари салмоғидир.
2. Қондирилмаган талаб-дорихона системасига келмаган ёки кам миқдорда келиб тушган дори воситаларидир.
3. Шаклланаётган талаб-бу янги дори воситалар кам миқдорда ўрганилган дори воситаларига бўлган талабдир.

Қондирилмаган талаб қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$п = \frac{(\dots Tф * Дo \dots) + Пo + П1}{Дф}$$

п - маълум вақтдаги қондирилмаган эҳтиёж ҳажми.

Тф - дорихона тармоғига берилган дори воситалар миқдори.

Дo - таъминлаб берилмаган дори воситалар миқдори.

Дф – дорихонада дори воситалари мавжуд бўлган кунлар сони.

П₀ – даволаш муассасалари қошидаги дорихоналар, қанча миқдорда дори воситалари билан таъминланмаганлиги.

П₁ – дорихона омборларидан таъминланувчи даволаш муассасалари қанча миқдорда дори воситалар билан таъминланмаганлиги.

Сўров - аҳолининг, ДПМларнинг илмий, практикавий ютуқларини ҳисобга олгандаги дорихона шароитида қондириш.

Талаб - дорихона системасида бўлиши керак бўлган дори воситалари миқдоридир.

Истеъмол – сотилган дори воситалари ва бошқа тиббиёт молларини ҳажми билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда замонавий усуллар ёрдамида эҳтиёж аниқланади:

- меъёрлаштириш;
- аналитик тенглаштириш;
- корреляцион таҳлил қилиш;
- регрессион таҳлил қилиш;
- индекс усули;
- иқтисодий математик усули;
- экстраполяция усули;
- трендли ва кўп омилли моделлаштириш.

Адабиётлар

1. Комилов А.М. Мухамедова Р.А. Дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. Ўқув-услубий кўлланма. Тошкент, 1993, 6 бет.
2. Прокопишин В.И. Основы лекарственного обеспечения населения. Москва 1983, 254-261 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 июль 1999 йилдаги 462-сонли буйруғи “Этил спиртини ишлатиш меъёрлари тўғрисида”.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24 апрел 2006 йилдаги “Асосий дори воситалари рўйхати” га қўшимча киритиш тўғрисидаги 169 сонли буйруғи.

Мавзу: “Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш.”

Режа

1. Дорихона омборининг асосий вазифалари.
2. Омборхонага молларни қабул қилиш тартиблари.
3. Дорихона омборида молларни сақлаш тартиби.
4. Дорихона омборидан моддий бойликларни бериш қоидалари
5. Омборхона бўлимлари ҳақида маълумот.
6. Омборхонага келаётган молларни сифатини текшириш.

Дорихона омборининг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади;

1.Тиббиёт молларини етказиб беришнинг алоҳида шартлари ва тузилган шартномаларга мувофиқ таъминотчилардан миқдори ва сифати жиҳатидан қабул қилиб олиш.

2. Дори воситаларининг физикавий кимёвий хоссаларини эътиборга олган ҳолда уларни сақлаш учун давлат фармакопоеясининг талаблари, юқори ташкилотлар тасдиқланган буйруқ ва йўриқномалардаги қоидаларга биноан тегишли шарт-шароитлар яратиш.

3. Бўлимлардаги моддий бойликларни тўлиқ сақланишини таъминлаш

4. ДПМ ва бошқа муассасаларнинг буюртмаларини бажариш.

5. Дорихона тармоқларига молларни етказиб бериш.

Дорихона омборининг фаолиятида молларни қабул қилиш бўлимининг аҳамияти катта.

Бу бўлим таъминотчилар томонидан келтирилган барча тиббиёт молларини қабул қилиш билан шуғулланади. Мол 2хил жойдан олинади.

1. хориждан(валютный)
2. маҳаллий (местный)

Хориждан келган дори воситалари божхонада расмийлаштирилади. келган партия дори восталарига декларация қилинади. Миқдори “Ташэкспертиза”да текширилади. Хулосани “Ўзбекистон Дори таъминоти”га беради. Кириш ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Божхонадан ўтказилганда дори сифатини текширувчи “Дори воситалари ва тиббий техника маҳсулотлари сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси” томонидан серия бўйича” “Мувофиқлик сертификати”ни беради.

У эса божхона ҳужжатлари таркибига қўшилиб “Ўзбекистон Республикаси Дори таъминоти” га берилади.

Қабул қилиш жараёни.

“Ўзбекистон Республикаси Дори таъминоти” хулосаси

сони саналади (экспертиза хулосаси асос бўлади)

мувофиқлик сертификати (сифати)

сақланиш группаларига қараб бўлимларга топширилади.

мухрланган дафтар тутилади.

Унда сертификат номери, истеъмол муддати, сертификат берилган сана кўрсатилади.

Қабул қилиш далолатномаси (приёмный акт)- қабул қилиш хайъатида қабул қилинади “Ўзбекистон Республикаси Дори таъминот” директори буйруғи билан аъзолар сайланади.

Қабул қилиш бўлимида 5та мутахассис ишлайди, 4таси олий маълумотли, 1та таъминотчи экспедитор.

Маҳаллий таъминотчилардан олинadиган дори воситаларини ўзлари гоҳида эса “Ўзбекистон Республикаси Дори таъминоти” нинг ўзи олиб келади.

Қабул қилиш бўлимидан ташқари “Ўзбекистон Республикаси Дори таъминоти” да (омборхонада)қуйидаги бўлимлар мавжуд;

1. Бухгалтерия бўлими.
2. Таъминот бўлими (экспедиция бўлими).
3. Дори сақлаш бўлими
 - а). захарли, наркотик воситалари, прекурсорлар
 - б). оддий дори воситалари
 - в). резина ва шиша буюмлар.
4. Авто гараж
5. АСУ

Қабул қилиш далолатномасида дори воситасининг тартиб номери, номланиши, коди, серия-партияси, санаси, яроқлилиқ муддати, сертификат санаси, таҳлил натижалари, ўлчов бирлиги, фактик миқдори, ҳужжат бўйича миқдори, асосий нархи, омборхона қўяётган нарх, камчиликлари, ортиқчалари, синган ва яроқсизлиги кўрсатилади. Далолатномадаги биринчи рақам унинг номери, иккинчи рақам бўлим номерини, учинчи рақам эса санани билдиради. Қабул қилиш далолатномасига директор, комиссия раиси ва комиссия аъзолари имзо чекадилар. Қабул қилиш далолатномасининг бирламчи ҳужжатлари ҳам бўлади.

Ушбу ҳужжатда қуйидагилар ҳақида маълумот бўлади. Товарнинг тартиб номери, шифри, номланиши, серияси, юборилган миқдори ва келган миқдори камчиликлари, яроқсиз бўлиб келгани ҳисобдан чиқарилади.

Бундан ташқари ортиқчалари ёки етишмовчиликлари бўлса арз қилинади

Улгуржи нарх бу хужжатда расмийлаштирилади. Ушбу хужжат автоматлаштирилган бошқариш тизими (АСУ) бўлимига топширилади. улар нарх қўядилар (компьютерга нарх қўйиб киргизадилар). Тиббиёт моллари тегишли бўлимларда, уларнинг физик-кимёвий хоссаларига биноан сақланади. Уларнинг номерлари, серияси, яроқлик муддатларини ҳисобга олган ҳолда сўкчакларда тартиб билан жойлаштирилади. Бўлимлардаги молларнинг алоҳида номлари бўйича ҳисоби миқдор ва суммада “молларни омборхона ҳисоб варакаси”да олиб борилади. Дорихона омборидан дорихоналарга дори-дармонлар ва бошқа тиббиёт молларини бериш буюртма-талабнома асосида амалга оширилади. Талабномаларга биноан омборнинг тегишли бўлимларида моллар ажратиб, жамланади. Бу хужжатда молларнинг номлари, чакана ва улгуржи нархи суммаси аниқ кўрсатилади. Таркибида заҳарли, наркотик моддалари ва этил спирти бўлган дори-дармонлар учун алоҳида счётлар тузилади. Дорихона омборидаги моллар ҳаракати ҳисоби механизациялаштирилган тартибда олиб борилиб, жўнатишга тайёрланган моллар маълум шаклдаги буюртма ёки талабномага мувофиқ ажратилган бўлса, 5 нусха “Мол транспорт юк хати” тўлдирилади. Биринчи ва иккинчи нусхалари мол олинган бўлимда, 2 таси ўзида (ДПМнинг бухгалтерия бўлимида), 1 таси экспедиция бўлимида қолади. Ушбу хужжатнинг ҳам 3 та номери бўлади. Биринчи номери тартиб сонини, иккинчиси бўлимни, учинчиси санани билдиради. Ушбу хужжатда молларнинг номланиши, номери, ўлчов бирлиги, миқдори, чакана нархи, суммаси кўрсатилади. Бу хужжатга бўлим бошлиғи (экспедиция) шу бўлимнинг бухгалтерия ва назоратчиси имзо чекади.

Моддий бойликларни омборхонадан бериш режали равишда юқори ташкилотнинг кўрсатмаси бўйича берилади. Бунинг учун дорихона омборида буюртмаларни бериш бўйича тасдиқланган график бўлади. Оператив бўлимлар омборхонанинг қабул бўлимида молларни олаётганларида ҳар бир молни шахсан текшириб олишлари, лаборатория анализи натижаларини келтирилган молларни хужжат асосида тўғрилигини ҳар томонлама текшириб олишлари шарт (яъни, молларни тўғрилигини санаб, ҳисоблаб олиш, тартиб ёки ўлчаб олиш зарур).

Бўлимлардаги ҳамма моллар ва дори-дармонлар ўзларининг физик ва кимёвий хоссаларига қараб сақланиши шарт. Бўлим бошлиғи ҳамма моллар учун жавобгар шахс ҳисобланади. Шунинг учун бўлимдаги молларни системали равишда тафтиш ўтказиб турилади.

Бўлимдаги ҳамма моллар стелажларга ва тагига таглик қўйилган ерларда номлари,ю сериялари ва сақлаш муддатлари аниқ ёзиб қўйилган ҳолда сақланади. Ҳар бир номдаги дори ёнига стелаж карточкаси ёзилган бўлиб, бу дориларни ўз вақтида яъни, сақланиш муддатини ўтказмаган ҳолда реализация қилишга яхши ёрдам беради.

Сақланиш муддати 2 йилдан кам бўлган дориларга бўлимни ўзида алоҳида журнал юритиб, дорининг серияси, аниқ сақлаш муддати, олинган муддати, молни миқдори ва унинг сақлаш муддатини тугашига 3 ой қолганда ва ҳар 1 ой учун унинг умумий сарфи ҳисобга олинади.

Мабодо унинг сақлаш муддати қайта текширилиб узайтирилган бўлса, у ҳам қайд қилинади. наркотик моддалар қандай дори формаси бўлишидан қатъий назар алоҳида хонада, хонанинг ойналари решёткали, эшиклар темир билан қопланган хонадаги темир сейфларда сақланади.

Хона шамоллатгич (вентиляция) ва ҳавони сўрувчи шкаф, сақловчи (светозвуковая сигнализация, блокировка), яъни эшик ва ойналарга қўйиладиган сигнализациялар билан жиҳозланадилар.

Бажарилган ишларига қараб, омборхоналарда ҳар хил бўлимлар ташкил қилинади. Уларда дори-дармонларнинг сақлаш, қадоклаш, ажратиш, дорихона ва даволаш муассасаларини буюртмаларини бажарадилар:

Ҳамма бўлимлар 2га бўлинади:

1. дори-дармонлар бўлими;
2. дори-дармонлар бўлмаган бўлими (яъни бошқа бўлимлар);

1-чи бўлимга қуйидагилар киради;

Қуруқ дорилар бўлими, суюқ дорилар бўлими, заҳарли дорилар бўлими, антибиотиклар бўлими, қабул қилиб олиш бўлими.

2-чи бўлимга қуйидагилар киради.

Дезинфекцияловчи моддалар бўлими, боғлов материаллар бўлими, санитария гигиена буюмлари бўлими, кўзойнақлар бўлими ва тиббий асбоб-ускуналар бўлими, тара бўлими. Ҳамма бўлимларни бўлим бошлиқлари бошқарадилар ва улар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- молларни сифатли ва тўғри қабул қилиш;
- дорихона ва даволаш-профилактика муассасаларига ўз вақтида ва тўғри мол бериш;
- дори-дармонларга йиллик буюртма (заявка-заказ) лойиҳасини тузиш ва база мудирига ўз вақтида топшириш;
- бўлимларда дори-дармонни қатъий равишда давлат фармакопеяси талаблари асосида сақлаш;
- бўлимларда санитария қоидаларига амал қилиш;
- бўлимларда олиб борилаётган, яъни картотекадаги ҳисоб-китоб билан уйғунлигини назорат қилиб бориш;
- бўлим ходимларини иш юритиш малакасини ошириб бориш ва хоказо.

Тузилган шартномаларга асосан тиббиёт саноат корхоналари томонидан (яъни фармзаводлар, фабрикалар ва хоказолар) ажратилган фондлар (яъни дори-дармонлар) дорихона омборига келиб тушади. Бу дори-дармонлар темир йўллар, сув йўли ва ҳаво йўллари орқали келиб, омборхона машиналари ёрдамида тушириб олинади. келтирилган дорилар омборхонанинг қабул қилиб олиш бўлимига келиб тушади. Келиб тушган молларни қабул қилиб, тегишли бўлимларга жўнатиш учун 3 кишидан кам бўлмаган таркибда комиссия тузилади. Қабул қилиб

олиш бўлимининг бошлиғи шу комиссиянинг раиси ҳисобланади. Комиссия таркибига омборхона мудирлари сифат бўйича назоратчилар, жамоат ташкилотининг вакиллари қабулга алоқаси бор кишилар кириши мумкин. айрим ҳолларда комиссия таркибига моллар экспертизаси вакиллари ва бошқа четдан дорихона омборхонасига алоқаси бўлмаган кишилар киради. ҳокимият, жамоа хўжалик раислари, завод директорлари уларнинг профком, местком раислари кириши мумкин. комиссия таркиби (корхона) омборхона мудирининг тавсияси асосида “Дори дармон” компанияси ёки бирлашмаси томонидан тасдиқланади. Қабул комиссиясининг раиси омборхона мудирига бўйсинади ва қабул қилиб олган молларни тегишли бўлимларга жўнатгунча шу молларга моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Омборхонага келтирилган моллар синчиклаб текширилади ва уларга тўғри шароит яратиш керакки, уларни бузилишини олдини олиш зарур. Омборхонага келтирилган захарли ва наркотик дори воситалари қабул қилиш, бўлиниш билан захарли ва наркотик дорилар бўлимига жўнатилади. ҳамма бўлимлар шкафлар, стелажлар, точкалар билан жиҳозланиб, унда моддалар сақланади.

Дорихона омборларида молларни ортиш ва тушириш ишларини алоҳида жиҳозланган асбоблар ва механизмлар ёрдамида бажарилади. Уларга юк кўтаргичлар, транспортёрлар, ўзи юрар ортиб туширувчи механизмлар киради. Дори воситалари сақланадиган хоналарда вентиляция ва иситиш системалари бўлиши лозим. Уларни санитар меъёрга амал қилган ҳолда ишлатиш зарур. Уларни назорат қилиш учун термометр ва психрометрлар бўлади. Тиббий ва сунъий ёритгичлардан фойдаланиш ҳам меъёрга мувофиқ бўлиши даркор. Шунинг учун деразалардан тушаётган ёруғликни шкафлар ва стелажлар билан тўсиб қўйиш қатъиян ман этилади.

Тез аланга олувчи моддалар иситилмайдиган хоналарда сақланади. наркотик дори воситалари алоҳида хоналардаги сейфларда сақланади. Деразаларида темир решёткалар бўлиши лозим. Вентиляция, ҳаво тортувчи шкаф, свет – овоз сигнализацияси, потолоклар, деворлар мустаҳкам қурилган бўлиши лозим. Дорихона омборининг меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 16 декабр 2002 йилда 547 сонли “Дори воситалари ва тиббий буюмлар улгуржи савдоси қоидалари. Асосий ҳолатлар” - тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи чиқди.

Дорихона омборхонаси – соғлиқни сақлашнинг мустақил ташкилоти бўлиб, у дорихоналарни, ДПМларнинг дори воситалари, тиббий техника маҳсулотлари, дорихона жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлайди.

Логистика – “logistika” - муҳокама қилиш санъати (искусство рассуждать). Улгуржи воситачиларнинг функциялари:

- товарларни қабул қилиш, сақлаш, товар захираларини бошқариш.

- маҳсулот реализацияси.
- товар транспортировкаси.
- ўз клиентларини кредитлаш (кредитга моллар бериш).
- режалаштирилмаган ҳаракатларни қайта тарқатиш rischi. (таваккаллиги)
- информация.
- маркетинг-бозорни комплекс текшириш.

Дорихона омборхонасига тушган маҳсулотлар сифат назоратидан ўтадилар. Унда препаратнинг номи, ташқи кўриниши, физик хоссалари, чинлиги, тозаллиги, ёрликларнинг мос келиши, ҳажми, механик аралашмалар, ўртача оғирлиги, камчилиги, парчаланиши, намлиги, зичлиги, эриш ҳарорати, таъминловчи, серия номери, сериядаги миқдори, яроқлилиқ муддати, таҳлилга сарфланган сони, бўлимга топширилган қолдиқ ва хулоса фармацевт имзоси билан расмийлаштирилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси. 2002 йил № 4. 29-бет
2. Юсупов М.А., Комилов А.М., Хидоятова З.Ш., Эрматов Ш.Х. Фармация ишини ташкил қилиш ва унинг иқтисодиёти. Тошкент – 2004 й. 66-76 – бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг 16 декабр 2002 йилда 547 сонли “Дори воситалари ва тиббий буюмлар улгуржи савдоси қоидалари. Асосий ҳолатлар” - тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.
4. Тошмухамедов Э.Р ва бошқалар Фармацевтика ишини ташкил қилиш. Тошкент - 2007 Б.- 218.